

Меҳнат қилсанг,
кўксинг тоғ,
Хурмат қилсанг,
дилинг боғ.


Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 23-oktabr, shanba № 83 (8316) ISSN 2010-6416



ТАДБИРЛАР БИЛИМГА РАЎБАТ УЙЎТАДИ

“Октябрь — филология йўналишидаги фанлар ойлиги” барча мактабларда қизгин кечмоқда. Бир-бирдан қизиқарли тадбирлар, эрталиклар, очиқ дарсу адабий учрашувлар ўқувчилардаги билим олишга бўлган рағбатни янада кучайтирмоқда. Уларнинг мавзуга тайёргарлиги, дарсдаги иштирокини кўриб, завқингиз келади.

Республика аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби фан хо-

налари атоқли шоир ва ёзувчиларнинг суратлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўқувчиларнинг иншо ва рефератлари, бадиий китоблар, буклетлар билан безатилган. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани метод бирлашма раиси, ўқитувчи Барно Қаюмова ушбу жиҳатлар ўқувчилар билим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишига амалга ишонч ҳосил этган.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

22 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, шунингдек, 2011 йил учун мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий хужжатларини, шу жумладан, 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишга бағишланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур

таҳлил қилинди. Республикада иқтисодий ривожлантиришнинг танланган ўз модели ва ўз вақтида қабул қилинган 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,8 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 11,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

(Давоми 2-бетда.)

ШАРОИТ ВА ҲАРАКАТ УЙЎНЛИГИ МУҚАРРАР ГАЛАБАГА ЭЛТАДИ

Яқинда сув
полоси бўйи-
ча Индонези-
яда ўтган қитъа

Suv sporti

чемпионатидан мамлакатимизнинг йигирма ёшгача бўлган ўғил ва қизлар жамоалари хушxabар билан қайтди. Улар 2011 йили ўтказилиши режалаштирилган жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этувчи Осиё биринчилигида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Қизларимиздан иборат жамоа мусобақани кўтаринки кайфиятда ўтказди ва ўзларининг қитъада тенгсиз эканини исботлашди — олтин медаль соҳибалари бўлди.

Ўғил болаларимиз жамоаси ҳам турнирни жуда яхши бошлади. Мураббий Акбар Содиқов шогирдлари рақибларини бирин-кетин мағлубиятга учрашиб, умумжамоа ҳисобига қумуш медаллар шодасини тақдим этишди.

Сув спорти турлари орасида сув полоси кўплаб муҳлислар орттиришга улгурди. Бунинг сабаби оддий: унда бир қатор бошқа мустақил спорт турлари уйғунлаштирилган. Жумладан, сув полосини яхши ўзлаштириш учун, аввало, моҳир сузувчи бўлиш керак, тўп билан худди волейболчи ёки гандболчилардек муомала қилишни билиш лозим.

Мамлакатимизда мазкур спорт турининг ривожланишида Юртбошимизнинг 2008 йил 2 июндаги “2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда сув спорти турларини оммалаштириш, ёшларимиз орасидан энг иқти-



дорлиларини саралаб олиш ва уларга ҳар томонлама кўмак бериш каби муҳим масалалар илгари сурилган. Бунда янги сув спорти мажмуаларини барпо этиш, мавжудларини замонавий андозаларда ре-

конструкция қилиш, капитал таъмирлаш сингари ташкилий масалаларга ҳам эътибор қаратилган, албатта.

(Давоми 16-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАКЛАГАНДА:

БМТ ВА
ЎЗБЕКИСТОН

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR
MAHKAMASI HUZURIDAGI ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASINING FAN VA TEXNIKA,
ADABIYOT, SAN'AT VA MEYMORCHILIK
SOHASIDAGI DAVLAT MUKOFOTLARI
KENGASHIDAN

5-бет

ТАЛАБАЛАРГА
СОЛИҚ
ИМТИЁЗЛАРИ

унга қандай ҳужжатлар
тақдим этилади?

7-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизнинг экспорт қилувчиларини қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоизга кўпайтиришни таъминлади.

Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши таъминлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурларни амалга ошириш бўйича ишларнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йил январь-сентябрь ойларида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар 8,1 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 15,1 фоизга ўсди. Ўтган даврда 867та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, 156та инвестиция лойиҳасини, шу жумладан, енгил sanoat, тўқимачилик, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника, фармацевтика sanoatида, машинасозлик, металлургия ва бошқа соҳаларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш тугалланди.

Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори 2010 йил инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ва объектларни ишга туширишни жадаллаштириш, шунингдек, 2011 йилдан бошланадиган инвестиция лойиҳалари бўйича жорий йил охиригача лойиҳасмета ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш, технологик асбоб-ускуналар етказиб беришга ва пудрат ишларини бажаришга шартномаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни яқунлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш

масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларида 191 км. узунликдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш яқунланганлиги, автомагистрал бўйлаб 41 та йўлбўйи инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганлиги алоҳида қайд этилди.

“Қишлоққурилишбанк” АТБ маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида қишлоқ тураржой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 3597та уй ва 85та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 1965,8 км. водопровод тармоқлари ишга туширилди, шу жумладан, қишлоқ жойларда – 1298,1 км.

Мажлис давомида рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва уларнинг турларини кўпайтириш, улар билан ички бозорни барқарор тўлдириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўздонмаҳсулот” компаниялари, “ЕҒ-мой ва озиқ-овқат sanoati”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзбек-чармпойабзали” уюшмалари, “Ўзфармсаноат” концерни, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари олдида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, улар билан ички бозорни янада тўлдириш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мевасабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва кар-

тошкани зарур ҳажмларда ғамлашни яқунлашни жадаллаштириш, шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли тарзда қондириш мақсадида ғамланган захирани тизимли равишда бозорга чиқарилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой фондининг 2010-2011 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор ишлашини, шу жумладан газ етказиб берувчи ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини, табиий газ ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ялпи ички маҳсулот, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлар ҳажми ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини, инфляция даражасининг ошиб кетмаслигини назарда тутадиган 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари кўриб чиқилди ва умуман қўллаб-қувватланди.

Кўриб чиқиш жараёнида 2011 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодиётга солиқ юқини янада қисқартириш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ўстириш, бюджет соҳаси

ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг манзилли бўлишини кучайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва фанни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш ҳамда уни тўлашнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахслар даромадига солиқнинг биринчи шкаласи (5 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича ставкани 11 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ва иккинчи шкаласи (5 дан 10 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича 17 фоиздан 16 фоизгача пасайтириш аҳоли даромадига солиқ юқини янада камайтиришни таъминлайди. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкаларини камайтириш бўйича таклиф этилаётган мазкур choralar натижасида амалда ишловчи аҳолининг барча гуруҳлари манфаат кўради.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари қатнашдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2011 йилда кўшимча равишда 956,2 мингта янги иш ўрни, шу жумладан кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 477,8 мингта, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобига 216,2 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилади.

Корхоналар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликларнинг раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда одамларнинг даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қарор қабул қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисида киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларда республика Ҳукуматининг жорий йил 29 январдаги мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА)

БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» атамаси илк бор 1942 йил бошида АҚШ Президенти Франклин Рузвельт томонидан тақлиф қилинди. Иккинчи жаҳон урушининг ана шу оғир, суронли даврида 26 мамлакат фашизмга қарши биргаликда курашиш мажбуриятини олган эди. Бу мамлакатлар инсоният тарихидаги энг даҳшатли бўлган бу уруш якунига етганидан кейин халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг декларациясини қабул қилди. Чунки 1919 йилда тузилган ва можароларни тинч йўл билан ҳал этишни ўзининг бош мақсадларидан этиб белгиланган Миллатлар лигаси мудҳиш урушнинг олдини ололмагани туфайли ўз фаолиятини тўхтатган эди.

1945 йили 50 мамлакат вакиллари АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрига тўпланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомини ишлаб чиқди ва 26 июнь куни уни имзолади. Ўша йилнинг 24 октябрида Низом асосчи давлатларнинг аксарияти томонидан ратификация қилинган, БМТ расман ўз фаолиятини бошлади ва бу сана БМТ куни сифатида башарият тарихидан жой олди.

БМТнинг бош шиори тинчликдир. Ташкилот можароларни ҳал қилишда мurosасозлик, воситачилик вазифасини ўтаб келмоқда, кези келганда тинчлик ўрнатиш операцияларини амалга оширмоқда. Кўплаб можаролар кенг қўламли урушга айланиб кетмаганида ҳам БМТнинг хизмати катта.

Ҳар қанча қимматга тушмасин, ҳеч бир тинчлик ўрнатиш операциясининг зарари, ҳатто энг кичик қўламли уруш келтирадиган зарар билан тенглаша олмайди. БМТ ўз тарихи давомида 77 тинчлик ўрнатиш операциясини амалга оширди. Тинчликнинг қадри мана шунда ҳам намён бўлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг энг биринчи резолюцияси 1946 йилнинг 24 январидан қабул қилинган. Унда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва оммавий қирғин қуролиларини йўқ қилишга даъват ўз ифодасини топган. 1957 йилда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик тузилди. 1970 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга кирди. 1996 йилда Бош Ассамблея Ядро қуроли синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартномани қабул қилди.

Ядро қуролидан холи ҳудудлар ҳам бевосита БМТ шафеълигида барпо этилади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг шундай ҳудудга айланишида БМТ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Дунёда хавфсизлик фақат ҳарбий можаролар таҳдид солмайди. Терроризмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида БМТ шафеълигида 13 халқаро конвенция ишлаб чиқилди. 2006 йилда Бош Ассамблея Глобал

контртеррористик стратегияни қабул қилди. Унда миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракат дастури белгиланган.

Шунингдек, хавфсизлик экология ва эпидемиялар тарқалиши муаммолари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. БМТ ўз таркибидagi Жаҳон

24-oktabr — BMT tashkil topgan kun

соғлиқни сақлаш ташкилоти, Атроф-муҳит дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон озиқ-овқат дастури, Аҳолишунослик жамғармаси каби тузилмалари орқали бу йўналишларда дунё мамлакатлари ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни мувофиқлаштириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо бўлди. Ўша вақтдан буён давлатимиз байроғи БМТ Бош қароргоҳи биноси олдида ҳилпираб турибди. Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жорий йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этадиган воқеа бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг та-

шаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли гоёни кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак ба-

ҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

БМТ минбари Марказий Осиёдаги жаҳоншумул муаммоларга дунё мамлакатлари эътиборини қаратиш учун энг муҳим воситадир. БМТ Бош Ассамблеясининг жорий йил 20—21 сентябрь кунлари Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича бўлиб ўтган олий даражадаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентига биринчилар қаторида сўз берилгани ушбу ташкилотнинг мамлакатимизга юксак эътибори, давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббус ва тақлифларига нечоғли ҳурмат билан ёндашувидан яна бир далолатдир.

Ислам Каримов мазкур саммитда сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросини бартараф этиш йўллари алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик аъналарини ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида БМТ шафеълигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш тақлифини яна бир қарра баён этди.

Президент Ислам Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказди.

Ўзбекистон раҳбарининг нутқи саммит қатнашчилари томонидан қизгин қабул қилинди. Жаҳон матбуотида йирик сиёсатчилар, сиёсатшунослар Ислам Каримов пухта ўйланган, амалда юксак самаралар берадиган тақлифларни илгари сурганини алоҳида таъкидламоқда. Масалан, Буюк Британия парламенти аъзоси Мадлен Мун мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-дипломатик ресурсларга таяниш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлади. Франция Халқаро муносабатлар институти эксперти Элиан Моссе фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш мумкин эканлигини қайд этиб, Ислам Каримов илгари сурган тақлифлар белгиланган мақсадларга тўла мос келишини таъкидлади. Қатор экспертлар Афғонистон билан боғлиқ бутун муаммолар мажмуини ҳал этиш борасида тўпланган узоқ йиллик тажриба унга ҳарбий йўл билан ечим топиб бўлмаслигини кўрсатганини, БМТ шафеълигида «6+3» мулоқот гуруҳининг тузилиши муҳим аҳамият касб этишини қайд қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқи саммитни ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислам Каримовнинг БМТ саммитидаги иштироки, саммит доирасида Бош котиб Пан Ги Мун билан учрашуви мамлакатимиз билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Шубҳа йўқки, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт ҳомийси бўлган БМТ бундан буён Ўзбекистон билан муносабатларга янада кенг эътибор қаратади. Зеро, Ўзбекистон раҳбарининг барча тақлиф ва ташаббуслари БМТнинг бош мақсадларига, шу жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла мос келади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЮКЛАМАГА ЯРАША УСТАМА

Қадимдан юргимизда устоз-шогирдлик муносабатлари шаклланиб, ўзига хос анъанага айланган. Ҳар бир соҳанинг усталари касбига қизиққан ёшларни шогирдликка олиб, ишининг сирларини ўргатган. Орадан йиллар ўтиб, устоз илм ёки ҳунарнинг ҳадисини олган шогирдига оқ фотиҳа берган. Устозлик мақомини олган шогирд эса анъанани давом эттирган. Таълим тизимига кириб келаётган янги технологиялар, ўқитишнинг ўзига хос метод ва услубларидан фойдаланиш, замон талаблари асосида вужудга келган педагоглар зиммасидаги вазифаларни бажариш учун ёш мутахассислар тажрибали ва талакали ўқитувчиларнинг кўмагига эҳтиёж сезадилар. «Устоз-шогирд» мактаби эса уларга қўшқанот бўлади.

Бу йўналишда Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят халқ

таълими бошқармаси методика маркази раҳбари З.Ҳожиева билан суҳбатлашдик. — Бугунги замонавий мактабда яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳаси бўйича билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари илғор педагогик технологиялар ва интер-

Ustoz-shogird maktabi

фаол усуллардан ўқув-тарбиявий машғулотларда фойдалана оладиган ўқитувчилар зарур. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда уни таълим жараёнида қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш талаб қилинади. Бунда «Устоз-шогирд» мактаби тизимининг йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга. Айни дамда вилоятимиз туман, шаҳар халқ таълими бўлим-

лари қошида фанлар кесимида 249 нафар устоз-ўқитувчи 747 нафар шогирд-ўқитувчи билан биргаликда иш олиб бормоқда. Ўтган ўқув йилининг 4-чорагидан бошлаб «Устоз-шогирд» мактаби аъзолари ўртасида учрашув ва давра суҳбатлари, турли семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларда вилоятимиздаги барча устоз ва шогирд ўқитувчилар ўз тажрибалари, инновацион технологиялари ҳамда таълим сифатини ошириш, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга оид турли маърузаларни билан иштирок этишди.

Ўтган давр мобайнида устоз-ўқитувчилар томонидан шогирд-ўқитувчиларнинг 850 соат дарс машғулоти таҳлил этилиб, тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Методика маркази томонидан ушбу йўналишдаги ишларни янада тако-

милаштириш мақсадида бир қатор ўқув семинарлари ташкил этилди. Жорий йил 5 июлдан буён вилоят ПХҚТМОЙ негизида устоз-ўқитувчиларнинг малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда ҳозирга қадар 210 нафардан зиёд педагог тажриба ва маҳоратларини бойитиш имконига эга бўлди. 40 соатлик мазкур курсни муваффақиятли якунлаган устоз-ўқитувчиларга махсус сертификат берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу жараёнга вилоятнинг энг малакали, катта тажрибага эга ўқитувчилари жалб қилинган. Улар фаолияти ҳар доим таҳлил қилиниб, муносиб баҳолаб борилмоқда. Ҳозирда «Устоз-шогирд» мактаби тизимига жалб қилинган педагогларнинг 39 нафари 15-20 фоиз, 193 нафари 25-30 фоиз, 54 нафари 40 фоиз устама ҳақ олган ҳолда самарали меҳнатлари натижасидан баҳраманд бўлишарди.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унга кўра, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва ички ишлар идоралари ходимлари соғлиғини муҳофаза қилиш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавкатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ хамюртларимиз «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони, «Меҳнат шухрати», II даражали «Шон-шараф» ва «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун», «Шухрат» медаллари билан мукофотландилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЭСИ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ХОДИМИ НИЛУФАР МАМАДАЛИЕВА ИТАЛИЯДА ТАБИИЙ ФАҢЛАР СОҲАСИДА ЁШ ОЛИМА АЁЛЛАР УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ЮНЕСКО/Л'ОРЕАЛ — 2011 ЙИЛ СТИПЕНДИЯСИ ТАНЛОВИ ГОЛИБИ БЎЛДИ.

Нуфузли илмий грант соҳибаси 2011 йили «Ўзбек халқ таъбаотида қўлланиладиган «Lamiaceae» оиласига мансуб доривор ўсимликларнинг фаол моддалари ва уларнинг цитотоксик активликларини инвитро тадқиқ этиш» мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб боради. Н. Мамадалиева юртимизда ушбу стипендияга сазовор бўлган учинчи ёш олимпиадир.

«ЯКИНДА «ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ РУҲИ» МАВЗУСИДА ИНШО ЁЗДИК. БУ ИБОРАГА ҚАНДАЙ ИЗОХ БЕРАСИЗ?»
«ЁШЛАРНИНГ ТИЛГА МУНОСАБАТИ СИЗЛАРНИ КОНИКТИРАДИМИ?»
«XXI АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ҚАНДАЙ ТА САВВУР ЭТАСИЗ?»
«СПОРТ БИЛАН ИЖОДНИНГ ҚАНДАЙ АЛОҚАСИ БОР?»



Худди шу мазмундаги саволлар тил байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда академик лицей ўқувчилари томонидан берилди. ЎзДЖТУ қошидаги 3-академик лицейда «Ma'rifat» газетаси таҳририяти ижодий ходимлари билан бўлиб ўтган ушбу учрашув тил ва адабиёт, ижод, умуман, ёшлар маънавияти масалаларига бағишланди.

Мазкур академик лицейда хорижий тиллар ва аниқ фанлар йўналишида 890 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олади. Уларга 70 нафарга яқин ўқитувчи сабоқ беради. Ўзбек ва рус гуруҳларида инглиз(асосий), француз, испан тилларини ҳамда бошқа фанларни кунт билан ўзлаштираётган ўқувчиларнинг республика фан олимпиадаларидаги фаол иштироки алоҳида эътиборга молик.

Ўзаро савол-жавоблардан сўнг лицей ўқувчилари томонидан байрам муносабати билан тайёрланган дастур намойиш этилди. Улар ижро этган шеър ва ғазаллар, сахна кўринишида тилимиз жозибаси ўзига хос тарзда акс этди.

— Кўриб турибсиз, ўқувчиларимиз жуда қизиқувчан ва ғайратли. Улар орасида бадиий ижодга қизиқадиганлари ҳам анчагина, — дейди академик лицей директори Сирожддин Жуманазаров. — Биз «Ma'rifat» газетаси жамоаси билан доимий ҳамкорликда ишлаш ниятидамиз. Уйлаймизки, бу газета ходимлари ва ўқувчилар билан бўладиган навбатдаги учрашувларга дебеча бўлди.

Б.ФАЗЛИДИНОВ

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



АНДИЖОН ТУМАНИНИНГ БОБУР МАССИВИДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИНИНГ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗИ БАРПО ЭТИЛЯПТИ.

Лойиҳа қиймати 18 миллиард сўмга етадиган марказнинг қурилишига айнан «Баркамол авлод йили»да қиришилгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Умумий ҳисобда 60дан ортиқ объект барпо этилиши режалаштирилган марказ салкам 20 гектар майдонни эгаллайди.

Келаси йили фойдаланишга топширилиши режалаштирилган марказда 315 ўринли умумтаълим, 150 ўринли мусиқа ва санъат мактаби ўрин олади. Шунингдек, ёш фаоллар учун тураржой бинолари, амфитеатр, аквапарк, болалар ва катталар учун аттракционлар, ёзги кафе, ёпик ва очик чўмилиш ҳавзалари, спорт зали, футбол, волейбол, стол тенниси майдонлари ҳамда тантанали йиғинлар ўтказиладиган майдонча барпо этилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, худуддаги мавжуд боғни янада ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Марказнинг инфратузилмасига ҳам алоҳида эътибор берилгани таҳсинга лойиқ. Ички йўллар қурилишидан ташқари бу ерда кир ювиш хонаси, сув минораси, автомобиллар тураржойи бунёд этилади. Қисқача айтганда, марказда ёшларимиз ҳам ўқиб-ўрганиб, ҳам хордик чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинади.

О. СИДДИКОВ

«ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ» — УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 14-МАКТАБДА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ.

Байрамонга безатилган мактаб ҳовлиси ўқувчиларнинг ижодий ишлари, деворий газета ва буклетлар билан ўзгача манзара касб этди. Она тилини мадҳ этувчи шеърлар, мақоллар, ашулалар барчага манзур бўлди. «Драма» тўғараги аъзолари томонидан сахна асарларидан кўринишлар намойиш этилди. «Рақс гулдастаси» қизлари ижросидаги миллий рақслар ўқитувчи ва ўқувчиларни рақсга чорлади.

Ҳалима ЭРҒАШЕВА

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА НИШОНЛАНГАН ТИЛ БАЙРАМИ ДОИРАСИДА «МАЪНАВИЯТ ВА ДАВЛАТ ТИЛИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯГА ОЛИЙ ЎҚУВ ДАРГОҲИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАР ҚАТОРИ БИР ГУРУХ ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ.

Институт ректори М.Бердимуродов ҳар бир миллат ўз тили билан тириклиги, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётида, халқ маънавиятининг юксалишида, миллий анъана ва қадриятларнинг янада кадр топишида муҳим аҳамият касб этганлиги, Қорақалпоғистонда ҳам ўзбек тилини чуқур ўқиб-ўрганишга, жумладан, бўлажак ўқитувчиларнинг давлат тилини мукамал ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги хусусида тўхтади.

Анжуманда бир гуруҳ талаба-ёшлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Ўзбек тилини, миллийликни ва юксак маънавиятни тараннум этувчи шеър ва кўшиқлар тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

ТОПИНАМБУР ЎСИМЛИГИ КАМКОНЛИК, ҚУВВАТСИЗЛИК, ҚАНД, ОКҚОН, БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ УЧУН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА ҚўЛЛЕНИЛАДИ.

Пойтахтимизда ушбу ўсимликни қайта ишлаб, импорт ўрнини босадиган қимёвий ажратмалар — инулин, пектин, фруктоза, этанол ва бутанол спирти ишлаб чиқариш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, Кимё-фармацевтика институти, Тошкент давлат иқтисодиёт ва Тошкент давлат аграр университети олимлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари вакиллари, фермерлар иштирок этди.

Йиғилишда ер ноки номи билан аталадиган ушбу ўсимлик тугунагидан қандли диабетга чалинган беморлар учун профилактика мақсадида истеъмол қилинадиган «Топинамбур шарбати» яратилганлиги, шунингдек, «Файзу барака» навининг илмий аҳамияти ҳақида соҳа олимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 318-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-БОҒЧА МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ ҚўШАЛОҚ БАЙРАМИ ТАНТАНА ҚИЛДИ. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ ОЛГАНЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА МАЗКУР МАЖМУАНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БАЙРАМ ДАСТУРИ ЙИГИЛГАНЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

— Боғча-мактаб мажмуамиз ташкил топгандан буён 412 нафар ўқувчи турли мактабларга йўлланма олишди. Айни пайтда 226 нафар ўқувчи ҳамда 96 нафар тарбияланувчига таълим-тарбия берамиз. Ўқувчилар қалбида тилга муҳаббатни кичиклигиданоқ шакллантириб боришга эътибор қаратамиз. «Ўзбек тилим — ўз тилим» мавзусидаги бугунги тадбир ҳам болаларда она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатни янада юксалтириш учун хизмат қилади. Айниқса, русийзабон гуруҳ ва синфларда таълим-тарбия олаётган болажонларнинг ўзбек тилида ўқиган шеър ва кўшиқлари кўнглимизни осмон қадар кўтарди, — дейди мажмуа директори Х.Ходжаханов.

1-синф ўқувчиларининг анъанавий қасамёд қабул қилиш маросими қўшалок байрамга янада файз киритди. Тадбир сўнггида намойиш этилган цирк томошалари болажонларни хушнуд этди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ЎзДЖТУ 1-ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИДА «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари маърузалари билан қатнашдилар.

Конференция «Тил назарияси», «Типология ва тилларни қиёсий ўрганишнинг долзарб муаммолари», «Замонавий ахборот технологиялари» ва «Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида турли фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги» шўъбаларига бўлиниб иш олиб борди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган илмий-амалий анжуманда фақат талабалар эмас, балки ёш ўқитувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топдилар.

Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА

УРГАНЧ ШАҲРИДА «ЯНГИ АВЛОД — 2010» ФЕСТИВАЛИНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОСКИЧИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ.

Фестивалнинг шаҳар ва туман боскичларида голибликни қўлга киритган 450 нафар истеъдод эгаси орасидан мумтоз кўшиқчилик, вокал ва миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод йўналишларида қобилияти бор 22 иштирокчи республика боскичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу фестивал ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воёга етиши, ўз истеъдодини намойиш этиши учун имконият эшикларини очмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FAN VA TEXNIKA, ADABIYET, SAN'AT VA MEYMORCHILIK SOHASIDAGI DAVLAT MUQOFOTLARI KENGAШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2011 йилда берилдиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2010 йилнинг 25 октябридан 2011 йилнинг 25 январигача белгиланганлигини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илғор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);

- республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илғор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеърӣ, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиёти энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

- замонавий ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жа-

моатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);

- республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қоидага кўра, битта шахсга берилди. Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофоти ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадиий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Муסיқа, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томони-

дан тавсиянома хати ёзилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, иш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибда кўрсатилади);

- ишнинг номи;
- ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиш кўлами;

- унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.

Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

Тавсиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;

- ишнинг қаерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмуни (ҳажми 10 саҳифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши буюртмага кўра бажарилган бўлса, буюртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим:

- муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муал-

лифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;

- ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ходимларни ҳисобга олиш ва рақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);

- қўшимча 4 дона 4х6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;

- илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва ихтироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

Эслатма: таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади.

Мукофотга тавсия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йиғмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадиий асарлар ёки алоҳида муқоваланган ишнинг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашининг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашининг ишчи органи — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:

100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.

Тел.: (371) – 233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:

100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 17-хона. Тел.: (371) – 239-49-57, 244-41-34.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши

Oktabr — filologiya yo'nalishidagi fanlar oyligi



ТАДБИРЛАР БИЛИМГА РАҒБАТ УЙҒОТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан учрашув ташкил қилдик. Унда барча ўқувчилар қатнашиб, қизиқарли маълумотлар билан ўз билимларини намойиш этишди. Саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. Айниқса, фан ойлиги муносабати билан 5-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақа эса қоларли бўлди, — дейди у.

Мазкур мактабнинг яна бир она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаббат Валихўжаеванинг ҳам ўз дарс ўтиш услуби бор.

— Ўтаётган мавзуларим бўйича кўпроқ очиқ дарслар ўтказишга ҳаракат қиламан. Чунки очиқ дарс ҳам ўқитувчининг, ҳам ўқувчиларнинг юзи. У барчага бирдек масъулият юклайди. Аслида ҳар бир дарсга очиқ дарснинг талабиди тайёрланиш керак. Шунда ўқитувчининг яширин қирралари кўз ўнгингизда бор бўй-басти билан намоеён бўлади. Ўқувчилар ҳам шунга яраша ҳаракат қилишади, — дейди у.

У ўн олти йиллик иш тажрибасидан келиб чиқиб, дарсларни қизиқарли ва эса қоларли қилиб ўтади.

Суратда: дарс жараёнидан лавҳа акс этган.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Maktabga borishni har bir bola kun sanab kutadi. Maktabgacha ta'lim muassasalarining tayyorlov guruhlarida allaqachon kelgusi yilda maktabga boradigan bolakaylar tayyorgarlikni boshlab yuborishgan. Bolalar o'zlarini xuddi 1-sinf o'quvchilaridek tutib, tarbiyachi opalari boshchiligida yangidan-yangi bilimlarni egallamoqdalar. Quyida tarbiyachi va ota-onalar uchun bir soatlik mashg'ulot ishlanmasi taqdim etilmoqda. Undan foydalanib, siz ham bo'lajak o'quvchilarni o'qishga rag'batlantirib, maktabga tayyorlab boring.

Mashg'ulotning maqsadi:

Ta'limiy: bolalarga guruh bo'lib ishlash, so'zni tahlil qilish, sport bilan shug'ullanish, tez aytishni bir nafasda yod olish, topishmoq topish, she'rlarni aniq aytish, nuqtalarni tutashtirish va nomlab umumlashtirish, kerakli narsalarni ajratish, harflardan foydalanib so'z yasash, to'g'ri sanashni o'rgatish.

Korreksion: bolalar lug'at boyligini oshirish, bog'langan matn tuza olish, umumiy va mayda qo'l motorikasi, fonetik idrok, to'g'ri nafas olish ko'nikmasi, diqqat, xotira va tasavurni rivojlantirish.

Logoped: — Bo'laklarda qaysi qushlar tasvirlangan ekan?

Birinchi guruh: — Bizniki kabutar.

Ikkinchi guruh: — Bizning bo'laklardan esa qaldirg'och tasviri paydo bo'ldi.

Logoped: — Mana, guruhlarning nomi ham tayyor: "Kabutar" va "Qaldirg'och". Shu payt davraga Shum bola kirib keladi.

Logoped: — Qaranglar, bolalar. Bu Shum bolami?

Shum bola: — Albatta, bu — menman. Unutmabsizlar-a?

o'rgatamiz. Buning uchun bir qancha vazifalardan foydalanamiz. To'g'ri bajarilgan har bir vazifa uchun bittadan qizil doira, xatoga yo'l qo'yilsa, yashil kvadrat berib boriladi.

1-vazifa:

"Maqolni to'ldir" o'yini (logoped tomonidan maqol aytiladi, bolalar esa to'ldirib boradilar).

Bu vazifa bo'yicha 1-guruh bolalari tayyor turishibdi:

Ko'p o'qigan ko'p (biladi).

Ilm — aql (chirog'i).

Til bilgan — el (biladi).

Bola aziz, odobi undan (aziz).

Inson odobi bilan, osmon (oftobi bilan).

Logoped: — Endi "Qaldirg'och" guruhi javob beradi.

Avval o'yla, keyin (so'yla).

Aql yoshdan, odob (boshdan).

Aql kuchdan (ustun).

Boshingga qilich kelsa ham, (rost gapir).

Bir soatlik mashg'ulot

Bolalar bajaradilar.

Logoped: — Qaranglar, qanday chiroyli. Kelinglar, maza qilib, hididan bahramand bo'lamiz. Nafas olib, bir nafasda quyidagi so'zlarni aytamiz:

Gulning hidi.

Gulning hidi yaxshi.

Gulning hidi juda yaxshi.

Gulning hidi juda-juda yaxshi...

4-vazifa:

Logoped: — Kelinglar, sardorlarni sinab ko'ramiz. Bir nafasda kim ko'p tez aytish aytar ekan.

Tez aytgin-u, tez gapir,

Tez aytganga bir patir.

5-vazifa:

Logoped: — Bolajonlar, hali Shum bola ikkita o'quvchilar sumkasini ko'tarib kelgandi-a? Uning ichida hamma narsa aralash-quralash bo'lib ketibdi. Kelinglar, birgalashib ularning ichidan o'quv qurollarini ajratib beramiz.

Mavzu:

"BIZ MAKTABGA BORAMIZ!"

Tarbiyaviy: bolalarga mavzu orqali kattalarga salom berish, muomala odobi, tozalikka rioya qilishni o'rgatish.

Mashg'ulotning lug'ati: maktab, tovush, harf, o'quvchi sumkasi, kitob, daftar, qalam, ruchka, chizg'ich, she'r, tez aytish, topishmoq, sport, odob, qaldirg'och, kabutar.

Mashg'ulotning jihozi: rangli aylana, tahlil uchun ko'rgazma, harfli kubiklar, qaldirg'och va kabutar kesma bo'laklari, gul bo'laklari, o'quvchi sumkasi va ichiga solingan o'quv qurollari, qog'ozga chizilgan rasmlar.

Mashg'ulotning vaqti: 30-35 daqiqa.

Chiroyli bezatilgan xonada navbatdagi mashg'ulot boshlandi.

Logoped: — Aziz bolajonlar, bugungi mashg'ulotimizni ikki guruhga bo'linib o'tamiz. Buning uchun mana bu bo'laklardan foydalanamiz. Keyin esa guruh sardorlarini saylaymiz.

Bolalar bo'laklardan bittadan olib, ikkiga ajraladilar va ularni tutashtiradilar.

Bolalar: — Ha, biz sizni taniymiz.

Logoped: — Kel, Shum bola, tinchlikmi? Bu yerlarda nima qilib yuribsan?

Shum bola: — Men maktabga bormoqchiman, buning uchun esa tayyorgarlik ko'rish kerak ekan. Sizlardan yordam so'rab keldim.

Logoped: — Bolalar, o'rgatamizmi?

Bolalar: — Ha.

Logoped: — Bo'lmasa, bugun nima haqida gaplashar ekanmiz?

Bolalar: — Maktab haqida.

Logoped: — Shum bola, mana bu aqlli bolalar kelgusi o'quv yilida qaldirg'och va kabutarlar misoli maktabga parvoz qilishadi. Hozir biz maktabga borish uchun nimalarni o'rganishimiz kerakligini bilib olamiz. Kelinglar, rangli aylanadan foydalanib, berilgan savollarga javob beramiz. Shum bola, sen ham diqqat bilan eshit.

Bolalar rangli aylana atrofiga yig'ilib, savollarga javob beradilar.

Logoped: — Endi Shum bolaga

Bulbul chamanni sevar, odam (Vatanni).

Logoped: — Mana bu qutiga qaranglar, ichida nima borligiga qiziqayotgan bo'lsangiz kerak? Men topishmoq aytaman, javobi esa quti ichiga berkitilgan. Diqqat bilan eshiting.

«Tilsiz, aql o'rgatar» — bu nima? Javob: kitob

2-vazifa: "Kitob" so'zini tahlil qiling (bolalar bunda so'zning nechta bo'g'in, tovushdan tashkil topganligini, unli va undosh tovushlarning sonini aytadilar).

Logoped: — Biz yaxshi o'qishimiz uchun sog'lom bo'lishimiz kerak. Keling, birgalikda "Sog'lom bo'lgim keladi" she'rini harakat bilan ifodali aytamiz.

(She'r o'qiladi).

3-vazifa:

Logoped: — Mana bu bo'lakchalarni sariq rangdagi doirachaga tutashtiramiz. Qaysi guruh birinchi bo'lsa, g'olib hisoblanadi.

Logoped: — Ana shu sumka bilan qayerga borsa bo'ladi?

Bolalar: — Maktabga.

Logoped: — Mana bu kubiklardan foydalanib, "maktab" so'zini yasang.

Bolalar vazifani bajaradilar.

Logoped: — Qani, kim qancha shakl yiqqanini sanab chiqamiz.

G'olib guruh o'qish bilan rag'batlantiriladi.

Logoped: — Shum bola, maktabga borish uchun nimalarni bilish kerak ekan, qani, o'rtoqlaringga aytib ber-chi?

Shum bola bilganlarini aytib beradi.

Bolalarga esa o'quv qurollarini sovg'a qiladi.

Shum bola: — Sizlarga rahmat. Menga yana yordam berasizlar-a? Endi har kuni mashg'ulotlarga kelib turaman.

Bolalar Shum bola bilan xayrlashadilar va logoped mashg'ulotga yakun yasaydi.

Zuhra UMAROVA,
MMXQTMORO'MM metodisti

«БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ»

Янгийул туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Кичкинтой» номли 10-мактабгача таълим муассасаси ҳовлиси байрамона безатилган. Ранг-баранг байроқчалар, шарлар, турфа гуллар боғча кўркига янада ўзгача файз бағишламоқда.

Муассасада "Баркамол авлод йили" муносабати билан ташкил этилган «Болалар майдончаси»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга тумандаги мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари,

унда болалар ўйнаб, саломатликларини ҳам тиклайдилар

ҳомий ташкилот вакиллари, услубчилар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ташриф буурдилар.

Сўзга чиққанлар янгидан барпо этилган ушбу майдонча келажакимиз эгалари бўлган болаларнинг баркамол вояга етишишларида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Мазкур мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган, турли тўғарақлар фаолият кўрсатади. Муассаса ҳомий ташкилот — Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти ёрдамида ҳамда турдош ташкилотлар, васийлик кенгаши орқали ўз моддий-техник базасини мустаҳкамлаб олди. Ушбу майдончани ташкил этишда ҳам ҳомийлар, ота-оналар фаол иштирок этдилар.

«Болалар майдончаси»ни ташкил этишдан кўзланган мақсад фарзандларимизни табиат билан янада яқинроқ таништириш, — дейди мактабгача таълим муассасаси раҳбари Муҳайё Шароббоева, — Болаларни ёшлигидан табиатни, ҳайвонот оламини, ўсимликлар дунёсини асраб-авайлашга ўргатиш, рангларни ҳис қилиш, математик билимлар, яъни сон-санок, паст-баланд, катта-кичик, узун-қисқа тушунчаларини ҳосил

қилиш, жисмоний чиниқтириш, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Мисол учун, тимсоҳнинг устида болалардаги ясси оёқликнинг олдини олиш бўйича машқлар ўтказиш мумкин.

Тадбир давомида боғча тарбияланувчиларининг концерт дастури ва ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Рихсижон АБДУҚАЮМОВА
Суратларда: «Болалар майдончаси»нинг очилиш тантаналаридан лавҳалар.

Акмал НИШОНАЛИЕВ
олган суратлар.



Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ёки йигирма олти ёшгача бўлган фарзандининг ўқиши учун) контракт тўловларини тўлашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи суммасига ва фуқароларнинг бошқа даромадларига солиқ солинмайдиган бўлди. Шу муносабат билан Тошкент молия институтида «Олий ўқув юртларида таълим ҳақини тўлашда солиқ имтиёзлари» мавзуда семинар бўлиб ўтди.

«Солиқ инфо» газетаси тахририяти ва Тошкент молия институтининг «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ОАВ вакиллари, талабалар, профессор-ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг бухгалтерия ва маркетинг бўлими

ҳодимлари, иштирок этди. Долзарб мавзуга бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, 2010 йилнинг 27 майида Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Молия вазирлигининг №МЮ2107-сонли қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилаётган маблағлар қисми бўйича жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солиш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг солиқ сийёсати бошқармаси бўлими бошлиғи Дилшод Султонов, шунингдек, «Солиқ инфо» газетаси экспертлари Ольга Бусарова ва Мурод Қодиров йиғилганларга юқоридаги меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини тушунтириб, ўртага ташланган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Savol bering, javob beramiz

харажатлар суммасидан кам бўлса), унинг қолдиғи кейинги солиқ даврларига кўчирилмайди.

Савол: — Агар талабанингни ўқиши учун маблағни корхона тўласа, ушбу имтиёз қўлланиладими?

Жавоб: — Юридик шахслар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган, ушбу юридик шахсларнинг харажати бўлган маблағлар суммасига солиқ чегирмаси татбиқ этилмайди.

Талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди. Тегишли равишда уларга солиқ солинмайди.

Савол: — Агар ота-она 26 ёшга тўлмаган фарзандининг ўқиши учун таълим кредити ва (ёки) ссуда олган бўлса ҳамда ушбу кредит ва (ёки) ссуданингни иккисини ҳам иш ҳақи ҳисобидан даромад манбаи — иш берувчи томонидан ўтказиш орқали қоплаётган бўлса, имтиёздан ота-онанингни бири фойдаланадими ёки иккаласими?

Жавоб: — Ушбу ҳолатда иш берувчига тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш орқали ота-онанингни ҳар иккиси ҳам кредит ва (ёки) ссудани қоплаш учун иш ҳақидан ўтказилаётган маблағлар суммаси доирасида имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Савол: — Ушбу имтиёзни қўллаш талабанингни ёшига боғлиқми?

Жавоб: — Ушбу имтиёз фақат талабанингни ўзига қўлланилганда, унинг ёши аҳамиятга эга эмас. Талабанингни ота-онани имтиёздан фойдаланиши учун талабанингни ёши 26 ёшдан ошмаслиги лозим.

Савол: — Агар ўқишига талабанингни акаси, опаси ёки бошқа қариндошлари (ота-онасидан ташқари) томонидан маблағ тўланса, уларга ушбу имтиёз қўлланиладими?

Жавоб: — Ушбу имтиёздан фақат талабанингни ўзи, унинг ота-онани (агар талабанингни ёши 26 ёшга тўлмаган бўлса) фойдаланиши мумкин. Талабанингни акаси, опаси ёки бошқа қариндошлари (ота-онасидан ташқари)га имтиёз назарда тутилмаган.

Савол: — Ота-она фарзандининг ўқиши учун олий ўқув юртига ўз иш ҳақидан ойма-ой ўтказиши ҳамда имтиёздан фойдаланиши мумкинми?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақидаги низомнинг (1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатга олинган) 14-бандига мувофиқ ўқиш учун ҳақ жисмоний ёки юридик шахс (буюртмачи) томонидан тўлиқ ёки контрактда белгиланган муддатларда бир йилда кўпи билан икки марта (тўла қўйиматнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда) бўлиб тўланади.

Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ
ёзиб олди.

ТАЛАБАЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

у амалиётга қандай татбиқ этилади?

Савол: — Ишловчи талабалар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар мавжудми?

Жавоб: — Солиқ кодексининг 179 ва 180-моддаларида назарда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ишловчи талабалар (агар улар тегишли имтиёзга эга бўлган солиқ тўловчилар тоифасига кирса) учун ҳам татбиқ этилади.

Айнан талабалар билан боғлиқ бўлган имтиёзларга қуйидагилар кирилади:

а) қуйидагиларга даромад сифатида қаралмайди:

— талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

— ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

б) қуйидаги даромадларга солиқ солинмайди:

— қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

— фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари.

Савол: — Олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилаётган суммаларга солиқ солинмайди. Ушбу имтиёз қачон қучга кирди?

Жавоб: — Ушбу имтиёз Солиқ кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли қонунига асосан киритилган ҳамда 2010 йилнинг 1 январидан қучга кирган.

Савол: — Мазкур имтиёз қайси норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Жавоб: — Ушбу имтиёзни қўллаш Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилаётган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (2010 йил 27 майда 2107-сон билан

рўйхатга олинган) билан тартибга солинади.

Савол: — Солиқ кодексига асосан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтирилаётган суммаларига солиқ солинмайди. Ушбу имтиёз ота-оналарнинг бирига бериладими ёки иккаласига ҳам, талабага ҳам имтиёз татбиқ этиладими?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилаётган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5-бандига мувофиқ ўзининг ўқиши ёки ўз фарзандларининг ўқиши учун тўланганда солиқ чегирмаси жисмоний шахс — таълим олувчига, шунингдек агар ўқиш учун тўлов таълим олувчи йигирма олти ёшга тўлгунча қадар амалга оширилган бўлса унинг ота-онасининг ҳар икковига ҳам берилади. Демак, имтиёз таълим олувчига (агар у ишловчи талаба бўлса), унинг ота-онасининг ҳар икковига ҳам (агар таълим олувчи йигирма олти ёшга тўлмаган бўлса) ҳамда солиқ солинадиган даромади бўлса) татбиқ этилади.

Савол: — Имтиёздан фойдаланиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

Жавоб: — Имтиёз солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан тўлов манбаида — иш берувчи томонидан ҳамда давлат солиқ хизмати органлари орқали жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш йўли билан берилади.

1) **Имтиёз тўлов манбаида — иш берувчи томонидан қўлланилганда иш берувчига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

а) даромадларини ўқиш учун тўловга (кредитни қоплашга) ўтказиш тўғрисидаги ариза;

б) талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти ўртасида тўловлик-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

в) тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартнома-

лар) нусхаси;

г) таълим олувчининг (таълим олувчиларнинг) паспорти ва (ёки) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси.

2) **Имтиёз жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияси асосида берилганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

а) талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

б) тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

в) Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ҳисоб рақамига (таълим кредитини қоплашда тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблағларини мустақил тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

г) паспорт нусхаси (солиқ имтиёзи таълим олувчининг ўзи томонидан қўлланилганда); д) паспорт нусхаси (солиқ имтиёзи ота-она томонидан қўлланилганда) ва таълим олувчининг (таълим олувчиларнинг) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси.

Савол: — Ушбу имтиёз асосий бўлмаган иш жойида ҳам қўлланиладими?

Жавоб: — Солиқ кодексининг 186-моддаси тўққизинчи қисмига асосан асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб берувчи яқун бўйича амалга оширилади.

Мазкур имтиёз Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандида белгиланганлигини инобатга олиб, у асосий бўлмаган иш жойида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда имтиёздан фойдаланган шахс имтиёз фойдаланилган йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни турар жойидаги давлат солиқ инспекциясига тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этиши лозим.

Савол: — Агар 26 ёшга тўлмаган талабанингни ота-онаси жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган шахсий мол-мулкни сотиш натижасида ҳосил бўлган даромаддан фарзандининг ўқиши учун тўлаган бўлса, улар имтиёздан фойдалана олишадими?

Жавоб: — Бу ҳолатда ушбу имтиёз жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида берилади. Бунда имтиёзни қўллаш учун даромад манбаи аҳамиятга эга эмас, бироқ имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортиладиган даромад бўлсагина қўлланилади.

Савол: — Агар ота-она 26 ёшга тўлмаган фарзандининг ўқиши учун таълим кредити олса, улар имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Низомнинг 4-бандига мувофиқ жисмоний шахсларга имтиёз ўқиш учун тўлов қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади: ўз маблағлари;

жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари; юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарт билан берилган маблағлари (ссудалар).

Савол: — Агар имтиёз ҳуқуқига эга бўлган шахслар йил якуни билан ундан тўлиқ фойдалана олмаса, фойдаланилмай қолган имтиёз суммасининг қолган қисми келгуси йилда қопланиши мумкинми?

Жавоб: — Тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитларини қоплаш учун маблағлар имтиёз ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иш ҳақи ҳисобидан даромад манбаи — иш берувчи томонидан ўтказилган тақдирда таълим кредити тўлиқ қопланишига қадар қўлланилади. Ушбу тартиб юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарт билан берилган маблағлари (ссудалар) бўйича ҳам татбиқ этилади.

Ўз маблағлари ҳисобига ўқиш учун тўлов амалга оширилганда, агар ҳисобот солиқ даврида солиқ чегирмасини тўлиқ қўллашнинг имкони бўлмаса (жами йиллик даромад суммаси таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган

ТўГАРАКДАН — ХАЛҚАРО ТАНЛОВГА

Maktabdan tashqari ta'lim

Мақтабдан ташқари таълим муассасалари олдида ўқувчи-ёшларнинг

бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашиш, касб-хунарга йўллаш, айна пайтда кўнгилларида онаюрт, унинг миллий ва маънавий бойликларида гурурланиш хиссини қарор топтириш, дунёқарашларини кенгайтириш каби қатор вазифалар туради. Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказининг «Мунчок» тўғараги раҳбари Зулфияр Фафурова машғулотлар давомида ана шу вазифаларни адо этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Қуйида унинг шундай мазмундаги машғулот ишланмаларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Машғулот шиори: Хунар — оқар булоқ, Илм ёнар чирок.
Машғулотнинг мақсади:

1. Ўқувчиларга ахлоқий тарбия бериш.
2. «Оддий ва мураккаб» тақинчоқлар тикиш ҳақида батафсил маълумот бериш.
3. Қўл меҳнатида ўрғатиш.
4. Касбга йўналтириш.
5. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, дунёқарашини шакллантириш, мустақил фикрлашга, миллий маданиятимиз, қадрият, урф-одатлар ва анъаналаримизни сақлаш, уларни бойитиб боришга ўргатиш, кўнгилларига инсонийлик, меҳр-оқибатлик, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга хос бўлган фазилатларни сингдириш, ҳар жиҳатдан баркамол, етуқ ва комил инсонни тарбиялашдан иборат.

1 гуруҳ: «Шалола».
II гуруҳ: «Шаббода».

хунари бор, илми инсонлар бой инсонлардир. 2010 йил «Баркамол авлод» йили деб эълон қилинди. Чунки коммулкни орзу қилмаган, ўз қадриятларини эъозламаган, маънавий бой авлодди воёга етказишни ўз олдига мақсад қилмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Азиз ўқувчилар, келинг, машғулотимиз қатнашчиларини икки гуруҳга бўлиб оламиз. Гуруҳларни Зулфия шеърлари билан номайимиз.


I гуруҳ: «Шалола».
II гуруҳ: «Шаббода».

игнадан 1та мунчок ўтказамиз, иккинчи мунчоғимизни ҳам иккинчи игнадан ўтказиб оламиз ва иккала игнамизга ҳам 1тадан мунчок ўтказиб оламиз (1-расмга қаранг).

Тикиш вақтида 1-шартни «Шалола» гуруҳ қизлари бажаради. Улар Зулфиянинг ҳаёти ҳақида маълумот берадилар.

— Зулфия Исроилова халқимизнинг ардоқли вакили, Халқ шоираси, халқаро Нилуфар, Жаҳоҳарлаъл Неру номидаги мукофотлар соҳибасидир. У 1915 йили Тошкент шаҳрининг қадимий Дегрез маҳалласида таваллуд топган. 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган. Зулфия таниқли жамоат арбоби ҳам эди. Шоиранинг шеърлари инглиз, немис, рус, болгар, хитой, ҳинд, япон, араб, форс, вьетнам каби жуда кўп хорижий тилларга таржима қилинган. Шоира 1996 йили 81 ёшида вафот этган.

Навбат «Шаббода» гуруҳига, улар Зулфияхонимнинг ижоди ҳақида тўхта-



тақларини эртак ва ривоятларда баён этган. Ҳозир биз улкан имкониятлар мамлақати, саноати ривожланган, камалак ранглари ўз жилосини топган атласу гиламлари дунё бозорига машхур мустақил Ўзбекистонда яшаётимиз.

Билимларимизни 3-шарт давомида чархалаб оламиз. Яна иккала игнамизга 1та тақинчоқни бирма-бир ўтказиб, иккала игналаримизнинг ўзига ҳам алоҳида-алоҳида мунчок ўтказиб оламиз. Тезкор саволларга жавоб бера оласизми?

«Шаббода» гуруҳи: Маънавият — шахснинг, инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти ва имкониятлари ҳамда истиқболларини белгилаб берувчи ички ижодий руҳий омилдир. Маънавият — инсон ахлоқи ва одоби, билимлари истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, йимони, эътиқоди, дунёқароши хамият тараққиётига ижодий таъсир этадиган гоълар мажмуасидир. Маънавият инсон билими, маълум касб-хунар соҳибии ўз Ватанининг содиқ фуқароси, ўз давлати қонунларини биладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан гурурлана оладиган, унинг бойликларини сақлайдиган, янада бойлатадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган, ичкилик-бозлик ва гиёҳвандлик каби зарарли иллатларга қарши курашадиган миллий ва умуминсоний қадриятларини авайлаб-асрайдиган бўлиши лозим. Машғулот сўнгида беллашув якунланади, голиб гуруҳ аниқланади.

«Шаббода» гуруҳи: Шаббода, мен сени кўрмайман, Қўлимда тутмайман, Жамолнинг не тахлит, Сўрмайман, Жавобинг кутмайман... Тақинчоқларни 4-шарт давомида тикиб тугатишга ҳаракат қиламиз. Яна иккала игнамизга 1та мун-

чокни ўтказиб, игна-ип айлантириб оламиз.

«Шалола» гуруҳи саволлари:

1. Миллий спорт турларидан бири... (Кураш).
2. Миллий таомлардан бири... (Ош (палов)).
3. Миллий бош кийим... (Дўппи).

«Шаббода» гуруҳи саволлари:



1. Миллий мато... (Атлас).
2. Рамзларимиздан бири... (Давлат байроғи).

3-шарт: Зулфия шеърятидан намуналар ўқиш.

«Шалола» гуруҳи: Меҳнат берган олтин шодликдай, Отилиб тошади шалола Шовқини илҳомдан ёрликдай, Юракда кўтарар тарона...

«Шаббода» гуруҳи: Шаббода, мен сени кўрмайман, Қўлимда тутмайман, Жамолнинг не тахлит, Сўрмайман, Жавобинг кутмайман... Тақинчоқларни 4-шарт давомида тикиб тугатишга ҳаракат қиламиз. Яна иккала игнамизга 1та мун-

чокни ўтказиб, игна-ип айлантириб оламиз.



О.ОЧИЛОВА ёзиб олди.

КАМОЛОТ ПИЛПАПОЯСИ

Ҳаётда ўз меҳнати, ижоди билан эл хурматига сазовор бўлган инсонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, уларнинг аксариятида бўш вақт кам бўлганлигини, ҳаётининг ҳар бир дақиқаси қайсидир фойдали машғулот учун ажратилганини айтишади. Дарҳақиқат, боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қайсидир тўғарақка жалб этиш унинг келажаги учун ниҳоятда муҳимдир.

Бу ҳақиқатни ўз ҳаётимда аққол англадим. Андижон шаҳридаги вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида видеоусуналар билан ишлашни, тасвирга олиш, монтаж ишлари ва бошқа жараёнларни ўргандим. Тўғарақка қатнашиш жараёнида кичик видеоваҳалар, роликлар тайёрлашга эришдим. Устозларим кўмаги билан бир неча бор республика миқёсида ўтказилган «Сеҳри ёғду» танловида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим.

2005 йили Тошкентда ўтказилган «Ёш журналистлар фестивали»да «Гран-при» соҳибии, 2007 йили — Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишимда ушбу тўғарақда олган сабоқларим катта ёрдам берди.

Тўғри, мен ҳозирда видео техника соҳаси мутахассиси бўлмасам-да, ушбу марказда, шунингдек, видеохаваскорлик тўғарағидаги иштироким камолотимнинг асосий пилпапоясии бўлди, десам янглишмайман.

Дурдона ҚОРАБОЕВА,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтии магистрантии, Зулфия номидағии Давлат мукофотии соҳибасии



Наил ХАКИМЗЯНОВ,
Вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказии «Кемасозлик» тўғарағии раҳбарии

УСТОЗЛАР ЙўЛИ — ОРЗУИМ

Мен айна пайтда Андижон машинасозлик касб-хунар коллежиида таҳсил олиш билан бирга вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказиидагии кемасозлик тўғарағиига ҳам қатнашаман. Машинасозлик коллежиига ўқишга киришимгга устозларимнинг тўғарақда берган сабоқ ва кўрсатмаларии сабаб бўлди.

Мақсадим — етуқ автоконструктор бўлиш. Бунинг учун, албатта, аэло ўқиш, устозлар берган топшириқларни кўнгилдагидай бажариш талаб этилади. Ҳозиргача уллар берган топшириқларни бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилаялман.

Кемасозлик тўғарағии аъзоларии билан бир неча халқаро танловларда иштирок этишим техникагга бўлган иштиёқимни оширди. Билим ва ижодий изланиш бўлса, ҳар қандай мусобақада голиб чиқиш мумкин экан.

Мустақиллик туфайли Ватанимиз жаҳондагии автомобил саноатигга эга бўлган 26 давлатнинг биригга айланди. Биз ёшларгга бу гурур бағишлайди. Келгусиида устозлар йўлидан бориб, ўз

Мана 26 йилдирки, вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказиида «Кемасозлик» тўғарағии бошқариб келаман. Утган мўддат давомида кўплаб иқтидорли ёшларни техниканинг у ёки бу соҳасиига йўналтиришимдан, уларнинг мана шу касб-хунар ортидан муваффақиятларгга эришаётганидан фахрланаман.

Мустақиллик йилларии мамлакатимизда ижодиёт марказларии фаолиятини ривожлантириш юзасидан кўплаб гамхўрликлар қилинди. Иқтидорли ўқувчиларимиз халқаро танловларда иштирок этиш бахтигга сазовор бўлди. Биринчии марта ўқувчиларимиз билан Белгияда ўтказилган ёш кемасозларнинг халқаро танловиида қатнашдик. Танловнинг барча шартларини муваффақиятли бажариб, 3-ўринни эгаллаганимизда танлов иштирокчиларии кемасозлик саноатии у қадам ривожланмаган ўзбекистонлик ўқувчилар галабасидан ҳайратланишим.

2002 йили Германияда ўтган шундай беллашувда тўғарағимизнинг иқтидорли қатнашиши

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

лари кема лойиҳасини яратиш ва кема кичик моделини тезликда куриш йўналтириларида иккита бронза медалини кўлга киритиб, кўплаб европалик ўқувчиларни лол қолдиришди. 2007 йили Хорватия ва шу йилнинг апрель ойида Германияда бўлиб ўтган хаваскор кемасозлар беллашувиида 1та кумуш ва 4та бронза медали соҳибии бўлдик.

Эришган ютуқларимиз, албатта, юртимизда ёш авлод баркамолчилиғии йўлидагии ибратли ишлар, ёшларгга яратилган қулай шароитлар натижа-сидир. Акмал Мўйдинов, Ислам Холбўтаев, Фаррух Мўйдинов ва Маъруф Валиев каби иқтидорли ўқувчиларимиз халқаро беллашувлардагии зафарларимизгга ўзларининг нуносииб ҳиссаларини кўшмоқда.



Тимур ХИДА,
Андижон машинасозлик коллежии 2-босқии ўқувчисии

автосаноатимиз ривожиига улшшимни кўшсам, ўзимни бахтиёр санаган бўлар эдим.

Тимур ХИДА,
Андижон машинасозлик коллежии 2-босқии ўқувчисии





Материалларни О.СИДДИКОВ тайёрлади.





тақинчоқлар тўқиш) миллий қадриятларимизгга асосланган ҳолда «Ўзбегим зийнатлари» деб номлаймиз. Очик машғулотимиз эса севимли шоирамиз Зулфия ижодиғга бағишланади.


Бир кунии донишмандгга бир кишини кўрсатиб, уни бой деб ҳисоблайсизми? — деб сўрадилар. Донишманд узоқ ўйга толиб сўнгра жавоб берибди. Ҳўш, донишманд қандай кишиларни бой ҳисоблайди? Албатта, маънавий олами бой, эркин фикрга эга, қадриятларигга сadoqatли, ватанпарвар, қўлида



тез кўзга ташланиб туриши учун сариқ рангдггг кичик нозик мунчоқлардан фойдаланамиз. Бунинг учун узун игга 2та игна ўтказиб оламиз. Биринчии



лампдўзлик, темирчилик, дўппидўзлик, каштачилик, зардўзлик, тўқувчилик каби миллий хунармандчилик турларии билан шугулланади. Халқимиз ўз орзу-ис-



О.ОЧИЛОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурада ва докторантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:

ДОКТОРАНТУРАГА:

13.00.08 — Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси.

АСПИРАНТУРАГА:

13.00.08 — Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси.
13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи.

Аспирантурага қирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

-Мутахассислик;

-Ўзбекистон тарихи;

-Фалсафа;

-Чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади.

Докторантурага қирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинади.

Аспирантурага қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- ариза;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари. Илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).

Илмий ишлари эълон қилинмаган ва ихтиролари бўлмаган шахслар танлаган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис-олим тақризи илова қилиниши лозим.

- аспирантурага бевосита олий таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиатлари, имтиёзли диплом эгалари, олий таълим муассасаси илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма;
- олий таълимнинг барча босқичларидан ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;
- номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса)
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);
- тиббий маълумотнома (086-шакл)
- 4х6см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Докторантурага қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- ариза;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси;
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари. Илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).
- иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);
- тиббий маълумотнома (086-шакл);
- 4х6 см. ўлчамдаги 4-дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 10 кун давомида қабул қилинади. Бошқа шаҳардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 76-уй. Телефон: 246-90-29.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга миллий ва бунёдкорлик ғоялари сингдирилган плакатлар мажмуини харид қилиш бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов савдоларида Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоригар маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Танлов савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳамда мазкур йўналишдаги плакатлар мажмуини тайёрлаш тўғрисида янада батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Телефонлар: (8-371) 239-19-58, 239-16-65. Факс: (8-371) 239-11-41.

Шунингдек, танловда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 1 ноябрь соат 16:00дан кечикмаган ҳолда ўз таклифларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инobatга олинмайди.

Халқ таълими вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси доирасида сотиб олинadиган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан (ДБД) ўтказиладиган товарларни (им-70) "Вақтинчалик сақлаш", (им-40) "Эркин муомала", (им-74) "Божхона омбори", (пд-40) "Дастлабки декларация" қилиш хизматларини кўрсатувчи, шунингдек, келиб тушган юкларни сақлаш бўйича ваколатли ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар ўз танлов таклифлари билан 2010 йил 27 октябрь маҳаллий вақт билан соат 15:00гача Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5-уй, 618-хонага мурожаат қилишлари мумкин.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 239-13-21, 223-16-31 (харид бўйича бош мутахассис А.Ҳайдаров).

САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Дарҳақиқат, келажакимиз ворислари саналмиш ёшларни билимли, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш баробарида уларнинг маънавий дунёқарашларини бугунги кун талаблари даражасида шакллантиришда мусиқа, санъатнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, санъатга, мусиқага ошuftа қалблардан ҳеч вақт ёвузлик жой топа олмайди. Шу нуқтаи назардан, республикамизда ўқувчи-ёшларнинг мусиқа ва санъат соҳасидаги қизиқиш ва қобилиятларини такомиллаштиришга шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол далили бизнинг болалар мусиқа ва санъат мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Таълим муассасамиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида янги қурилган чиройли, барча қулайликларга эга замонавий ўқув биносига эга бўлди.

Жорий йилнинг март-август ойлари мобайнида 1 миллиард 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарган бунёдкорлар томонидан мактабимизнинг янги биноси Мустақиллик байрами, Билимлар куни арафасида фойдаланишга топширилди. Қурилиш лойиҳасининг бизга маъқул томони шундаки, унда соҳамизга дахлдор барча шарт-шароитлар инobatга олинган. Жумладан, 210 ўринли концерт зали, индивидуал дарс хоналари, рақс

хонаси, хор синфи, бундан ташқари санъат йўналишига мослаштирилган синф хоналари фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Албатта, бу каби кўркам бинони замонавий жиҳозлар, ўқув-техника воситалари билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Таълим муассасасини давр талабларида мос жиҳозлашга 1 миллиард сўм маблағ ажратилган.

E'tibor

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, шаҳримиз кўркига-кўрк

қўшиб турган мактабимизда ўқиш истагида бўлган ўқувчилар, унга қизиқувчи ота-оналар сони ошиб бормоқда. Ҳозирга қадар бизда ўқувчилар асосан ўзбек халқ чолғу асбоблари, фортепьяно, скрипка, аккордеон, кларнет, гитара, синтезатор созлари, анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги, хор йўналишлари бўйича таҳсил олишарди. Амалдаги ўқув йилидан бошлаб эса яратилган шарт-шароитлар, ички имкониятларимиздан келиб чиқиб театр санъати, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида ҳам синфлар ташкил этиб, ҳар йилги 150 нафар ўқувчиларимиз сонини 250 нафарга етказиш ниятидамиз.

Матлуба ЯКУБОВА,
Когон шаҳридаги
2-Болалар мусиқа ва санъат
мактаби директори

МЕХРИНИНГ ЧЕКСИЗ КУЧИ

Ўсмирлик даври халқ орасида ҳам, бола тарбияси билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасида ҳам «мураккаб давр» сифатида қаралади. Рухшунослар ўсмирликни шахс шаклланишидаги асосий босқичлардан бири деб ҳисоблайди. Шу боис фарзанд тарбиясига масъул ҳар бир ота-она, мутахассис бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади.

Гуруҳимда 15 нафар ўсмир қиз тарбияланади ва айнан уларнинг ўсмирлик даврида баъзи муаммоларга дуч келдим. Айтиш керакки, айрим қизлар хулқ-атворини тарбиялашда, ўзлигини, шахсиятини англашда қийинчиликларга учради.

Уларнинг айримларида ушбу ёшда дарсга нисбатан қизиқиши пасайиб, арзимаган муаммо ёки кичик танбехни ҳам оғир қабул қиладиган ҳолатлар кузатилади. Тарбияланувчиларимиздан бири, қиз боланинг хулқ-атворини ўзгартириб, тўғри йўлга бошлаш осон бўлмади. У ўзининг фикрини маъқулларди, бировга ёрдам бериш, хатти-ҳаракатлари, қилмишлари учун жавобгарлик ҳиссидан мутлақо йироқ эди. Шу боис ҳатто Меҳрибонлик уйи раҳбари томонидан у тарбияси билан барча ходимлар жиддий шуғулланиши ва қаттиқ назоратга олиниши бўйича буйруқ қабул қилиниб, 80-мактаб ҳамкорлигида болани кутубхонага жалб қилдик, уни бир неча марта психолог кўригидан ўтказдик.

Гуруҳимдаги болалар эришадиган ютуқлар ҳақида унинг олдида суҳбатлашдик, ҳар бир тарбиячи у билан яқка тартибда савол-жавоблар олиб борди. Ҳаётда адашган болалардан ноқобил кишилар чиқиши, жамиятда ўрин тополмай, қийналиб кун кечирини мисоллар орқали кўрсатиб беришга тўғри келди. «Фарзандинг қанақа бўлишини хоҳлайсан?», «Сенинг ўрнингда фарзандинг худди шу ишларни қилса, қандай йўл тутардинг?», «Фарзандинг ўзингга ўхшашини истайсанми?» каби саволлар орқали уни келажак ҳақида ўйлашга, олдида мақсад қўйиб, орзу-умидлар билан яшашга ўргатиб бордик. Ўқув йили давомида олиб борилган ҳар хил суҳбатлар, очик дарслар, психологик тестлар, халқ мақоллари, миллий урф-одатларимиз, тарихий қадриятларимиз асосидаги тадбирлар болаларнинг яхши томонга ўзгаришини, ўзига бўлган ишончи ортишига катта ёрдам берди.

Ушбу тарбияланувчи меҳрибонлик уйида ташкил этилган «Гулибону» рақс тўғарагининг фаол иштирокчиси ва тадбирлар қатнашчисига айланди. Баҳоларида ҳам сезиларли даражада ўзгариш бор.

Доноларимиз яхши ёки ёмон хулқли бўлиши, аввало, оила муҳитига боғлиқ. Бу бежиз эмас, албатта. Аммо айрим ота-оналарнинг масъулиятсизликлари оқибатида болаларда тушкун кайфият юзага келадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда мана шундай носоғлом муҳитда тарбияланиб, меҳрибонлик уйдан паноҳ топган эгизаклар тарбияланувчилар ҳақида сўз юритмоқчиман.

Бу эгизак қизалоқларни бундан 3 йил муқаддам олиб келишганди. Уларнинг ота-онаси ичкиликка ружу қўйган.

Улардан бири ота-онасини эслаб, шундай дейди:

Ta'kid

— Уйимизда ҳар куни жанжал, тўполон бўларди. Ҳамма идиш-товуқлар у ёқдан-бу ёққа отилиб, чил-чил бўлиб кетарди, биз эса бу ҳолатни кўрмаслик илинжида кунимизни кўчада ўтказардик.

Хуллас, болалар маҳалла томонидан Меҳрибонлик уйига топширилади, 2 йил мактабдан қолиб кетганлиги ва фанларни ўзлаштирмаганлиги сабабли ўзидан 2 ёш кичкина болалар билан бир синфда ўқий бошлади.

Уларнинг тарбиясидаги йўқотишларни тузатиш йўлидаги ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Ҳозирги кунда эгизаклар меҳрибонлик уйининг фахри. Улардан бири мамлакат мини-футбол терма жамоасига олиниб, Филиппинда аёллар ўртасида ўтказиладиган мини-футбол мусобақасида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди. Унинг келажакдаги орзуси — футбол бўйича чемпион бўлиш. У нафақат меҳрибонлик уйи, балки бутун Ўзбекистонимиз фахри бўлишига ишонаман. Иккинчиси эса муассаса доирасида ўтказиладиغان барча тадбирларнинг фаол иштирокчиси, «Гулибону» рақс тўғараги аъзоси.

— Мен аъло баҳолар билан мактабни тугатиб, педагогика коллежига ўқишга кирмоқчиман. Келажакда меҳрибон тарбиячи ва ўқитувчиларим каби ёшларга таълим-тарбия берсам дейман, — дея кўнгил сирлари билан ўртоқлашади у.

Лола ҚАМБАРОВА,
Тошкент шаҳридаги
21-Меҳрибонлик уйи
тарбиячиси

Муסיқа санъати кўнгилга ҳаётбахш наволарни етаклаб киради, гўё. Минг йилларки, санъат одамзодга мўъжизавий куч ато этиб келади. «Лазги» ҳақидаги афсона лоқайд қолдирмайди кишини...

Ана шу ўйларга асир бўлиб, санъат мактабига йўл оламан. Муסיқа мактаби қошида жойлашган бекатданок қулогимга кўнгилга хуш ёқувчи оҳанглар таралади.

Мактаб раҳбарининг хонаси. Қирган захотиёқ кўзингиз таниқли санъаткор, уч соҳил булбули Комилжон Отаниёзовнинг Хива миноралари узра куйлаётган суратига тушади. Хонани ҳаяжон билан томоша қилар экансиз, «Авесто» китобидан моҳир хаттотлик асосида нақш ўймакорлигининг юксак намунаси сифатида битилган ҳик-

ман, — дейди 9 яшар Шаҳзод Ибодуллоев. — Устозим Ойбек Матназаровдан санъат сирларини ўрганаяпман. «Шу Ватан омон бўлсин!» ҳамда «Онажон» кўшигини ижро этаёпман.

— Икки ой ичида икки-та ашулани ўрганди, — изоҳ беради Ойбек Матназаров. — Овозини кўрдингиз, жарангдор ва ширали. Авжга чиқишда қийналмаяпти.

... Муסיқа мактабининг ютуқлари анчагина. Ҳилола Қурбонова, Бобуржон Фахриддинов, Саида Худойберганава 2006 йили Парижда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан уюштирилган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида қатнашиб, совриндор бўлди. Темур Икромов — (2006 йил) фортепиано ижрочилиги бўйича лауреат.

Jarayon

— Анъанавий ижрочилик бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатаёпман. Халқимиз севиб тинглайдиган мумтоз ашулаларни, лапар, достонларни болаларга ўргатишга аҳд қилганман. Қадимий кўшиқларимиз унутилиб кетмаслиги керак, уларни келгуси авлодларга бус-бутун ҳолда етказиш даркор. «Чипродалли» кўшигини олайлик. Унинг тарихи XII-XIII асрларга бориб тақалади. Халқ сайилларида ҳазил ашулалар ижро этилган.

— Бобурбек Фахриддинов даргоҳимизга илк бор келганида 9 ёшда эди, — суҳбатга қўшилади Рустам Раҳимов. — Ўткир қобилиятли. Ўзидан 4-5 ёш катта болалар-

ХОРАЗМНИНГ ЁШ БУЛБУУЛАРИ

замонавий бинода таҳсил олмоқда

матли сўзларга кўзингиз тушади: «Бешинчи фаргад. Бешинчи бўлим. 21. Дунёни обод этмоқ, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак». Эзгуликка тўлиқ ҳикматлар жамоанинг қалб шioriдек жаранглайди...

Пианинонинг усти очик қолдирилган. Демак, раҳбар шу яқин-атрофда бўлиши керак! Деворга осиглиқ дипломларга қизиқиш уйғонади кўнгилда. III даражали диплом. Урганч шаҳридаги 11-болалар муסיқа мактабининг мақом гуруҳи «Мақом ижрочилари» вилоят кўрик-танловининг якуний босқичида халқ таълими тизимидаги муассасалар ўқувчилари ўртасида 3-ўринни эгаллаганлиги учун ушбу диплом билан тақдирланган.

Иккинчи диплом ҳам ютуқлар эътирофидан далолат бериб турибди: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги. II даражали диплом. Болалар ижодий жамоалари. «Болалик баҳори» республика фестивали совриндори. Хоразм вилоят эстрада ансамбли. Урганч шаҳридаги 11-болалар муסיқа ва санъат мактаби тақдирланади.

... Худди шу лаҳзада жарангдор ва ширали овоз янграйди. Қўшни хонага чиқаман: рубоб чалаётган ўқитувчи, унга қараб ашула айтаётган болажон. Сەҳрли овоз соҳиби билан қизиқаман.

— Икки ойдирки санъат мактабига қатнаётир-

2008 йили республика муסיқа мактаблари ўртасида ўтказилган танловда мақом йўналишида Азамат Ўринбоев 1-ўринни эгаллади. 2009 йили «Болалик баҳори» республика танловида Миллий эстрада бўлими жамоаси совриндор бўлди. Жорий йил май ойида «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган Темур Икромов фортепиано(классик), Оғабек Оллаберганава фортепиано(эстрада) ҳамда Азамат Бобожонова эстрада хонандалиги борасида юксак иқтидор эгаси эканлигини намойиш этишди.

— Шу йил баҳорда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловида ўқувчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди, — дейди мазкур даргоҳ раҳбари Рустам Раҳимов. — Лапар ижрочилиги бўйича Севинч Бекберганава совриндор бўлди.

Жаҳонгир Рустамов халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 2010 йил 9-10 майда ўтказилган «Асрлар садоси-2010» халқаро III анъанавий маданият фестивалида қатнашиб, ўзбек муסיқаларини юксак маҳорат билан ижро этди. У ЮНЕСКОнинг Фаҳрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Санъат мактаби ўқитувчиларини суҳбатга тортаман.
Давлат Жумабоев,
Халқ таълими аълочили:

никидек овоз пардалари жарангдор эди. «Янги авлод-2004», «Янги авлод-2005», «Янги авлод-2006» фестивалида қатнашиб, ғолиб бўлган. 2007 йили Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишланган 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган санъаткорлар иштирок этадиган танловда қатнашиб, 3-ўринни олганлиги бутун жамоамизнинг ютуғидир.

Урганч туманидаги К.Хоразмий номидаги муסיқа мактабида 2009-2010 йилда 271 нафар ўқувчи 17 йўналиш бўйича таълим олди. Ўқувчилар учун янги ва замонавий санъат мактабининг қад ростлаётганлиги санъат мактаби тарихида улуғвор ва катта воқеа бўлди!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009-2014 йилларда Болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида Хоразмда улкан бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Урганч шаҳар марказида 200 ўринга мўлжалланган муסיқа мактабини янгидан қуриш учун 1 млрд. 782 млн. 800 минг сарфланди.

Янги ўқув йилидан ўқувчиларни ўз бағрига олган таълим муассасасининг замонавий биносида ўқувчилар учун барча шароитлар мужассам.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА,**
«Ma'rifat» мухбири

РАХШОНА

“ТОНГГИ ТАРОВАТ” МАМЛАКАТИДА

АССАЛОМ, УНИВЕРСИТЕТ!

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

КОРЕЯДАГИ “САМАРҚАНД”

Байрамдан сўнг бир ҳафталик таътил берилди.

Кореяда битирувчи синф ўқувчиси бўлиш жуда оғир. Эрталаб соат 9:00дан кечкурун соат 11:00гача дарс, университетга кириш имтихонига тайёрланишади. Имтихон мактабнинг ўзида бўлади ва тўпланган балга қараб университетга қабул қилинади. Сеул ва Пусан давлат университетлари кириш балли юқори олий ўқув юртлари ҳисобланади.

Кореянинг ошхона, интернет-кафе, магазин каби хизмат кўрсатиш жойларида иш тонгги соат 3:00-4:00да тугайди ва соат 9:00 бўлмай, яна иш бошланади. Автобус, метро кечкурун соат 12:00гача ишлайди. Кунда ўн саккиз соат иш; бу — корейс халқининг меҳнатсеварлигидан бўлса керак. Байрамларда бир неча кун дам олиниши ҳам бежиз эмас.

Кечкурун яхши таклиф айтилди: эртага “Самарқанд”га борамиз! Метронинг биринчи(қизил) йўналишидаги Пусан бекатида жойлашган бу ошхонани ўзбекистонликлар очган. Турли шаҳарларни яқинлаштирган поезд вокзали бор, бу ер — Пусаннинг маркази.

КОРЕЯ БЎЙЛАБ САЁХАТ

КЁНГ ЖУ

Бугун ўқитувчимиз айтган корейс маданияти куни! Бизни Кёнг жуга олиб боришади. Кёнг жу — тарихий шаҳар, қадимдаги номи Кйерим, Шинла қироллиги даври(А.Д. 676—935)да пойтахт бўлган, тарихий жойлари ўша даврдагидек сақланган.

Кёнг жу бекатига энг яқин жой “Дунё маданияти ЭКСПО боғи” бўлиб, Х4 “Минсог чон” самгори(уч кўча туташган марказ)да жойлашган. Боғ олдидаги майдонда қирқ иккита давлат байроғи бор, улар орасида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпираб турарди.

Йўл-йўлакай катта тепаликлар кўзга чалиниб қолади. Кёсуним(ўқитувчимиз)нинг айтишича, бу тепаликлар Шинла даври қирол-қиролчаларининг хилхонаси бўлган экан. Думалоқлигига сабаб — қайта туғилиш маъносида она қорнига қиёс қилинган эмиш.

СОГ ПУЛСА

Пулгукса — буддизм динининг миллий тарихи намоён маскан. Шинла даврида мамлакат бўйлаб Будда дини кенг ёйилган. Пулгуксадан 2 километрча наридаги тепаликда, нақ тоғнинг устида Соккул ибодатхонаси бор. Ибодатхона ичида Соккурам ҳайкали тикланган, улкан ва

“Самарқанд” деб номланган ошхона Сеулда ҳам машҳур эмиш.

Кореяда чет элликлар хуш кўрадиган таом пицца — айниқса, денгиз маҳсулотлари солингани соғлиққа қони фойда. Биз университетимизга яқин Ким Теҳо пицца-ситига кўп борардик. Самгёб сал — метронинг Ненг жонг бекатида жойлашган бу масканда товук, мол, ўрдак гўшти бор. Киши бошига 7.000 вон тўлаб, хоҳлаганча гўшт пиширтириб, салат, мева-чева тановул қилишингиз мумкин.

“Самарқанд”да барча ўзбек таомлари тайёрланар экан. Биз бу гал манти ва сомса еб, маза қилдик.

Кореяда педал деб аталадиган яхши хизмат тури бор, уйга чарчаб қайтган пайтларингиз жуда қўл келади. Биз Зилола опа, Яйра билан овқат пиширишга қўл тегаганидан эмас, яхши кўрганимиздан ётоқхонамиз яқинидаги Ким Теҳо пицца-ситига телефон қилардик ва 15 дақиқа ичида буюрган таомимиз олдимизда ҳозир бўларди. Педал бўлгани учун пулни 1000 вон ошиқроқ берамиз, холос.

Ҳар куни эшигимизга педалчи ошхоналар телефон рақамлари ёзилган қоғозлар ёпиштириб кетишади...

ЎҚИТУВЧИЛАРИМ

Университетга доир ҳикоямни ўқитувчиларим ҳақида гапирмасдан тугатолмадим. Кореяда ўқитувчига уч хил: мактабда “кёсаним”, университетда “сонсенгним”, доцент, профессор домлаларга “кёсуним” деб мурожаат қиладилар.

Бир йил давомида курс раҳбаримиз И Донгён сонсенгнимдек меҳрибони, чиройлиси йўқ эди. Уйни соғинган пайтим сонсенгнимга телефон қилардим. Ўзи ёш бўлгани учунми, биз талабалар кўнглидан нима ўтаётганини яхши сезарди. Корейс тилида талаффузимиз яхши бўлмаса-да, “Озгина ҳаракат қилсангиз, мендан чиройлироқ сўзлай оласиз”, — дея кўнглимизни кўтарарди. Йигити ташлаб кетиб, ҳам ичида қолган хитой қизларига маслаҳатчилиги, иш тополмай чарчаб кетган вьетнам болаларига ёрдам беришни ҳам яхши уддаларди. Бир гал имтихонни яхши топширганимиз учун ўнта пицца буюртириб, меҳмон қилгани ҳамон ёдимизда.

Че Совон сонсенгним дарсга кеч қолганларга ашула айтқизарди. Кечикканим учун мен ҳам бир гал ўзбекча шеър ўқиб берганман.

Мун Мёнгшим сонсенгним Францияда ўқиб келган, бизга Корея маданияти фанини ўргатарди. Чет элликлар маданиятига қизиқиши баланд, ўзбек урф-одатлари ҳақида

ради. Унинг номи Камро су. Маъноси — тоза ва муздек тотли сув дегани. Бу сувнинг шифобахш экани ҳақида кўп гапиришади. Камрө суни бир ой давомида узлуксиз ичилса, инсон организми бутунлай поклар экан.

Корейс дўстларимиз: “Шинла даври сарой муҳитини кўз олдингизда гавдалантирмоқчи бўлсангиз, Кёнг жу шаҳрида энг машҳур — Шинла боғига бориң!”, дея маслаҳат бердилар. Боғда ҳар кеча актёрлар ўша даврни жонлантлар эмиш.

ЧОМСОНГ ТЕ

Корея маданияти ичида энг кўп тош отилгани Кёнг жу (Чомсонг те) расадхонасидир. Бу гиштин минора нима мақсадда қурилган, бу ҳақда ҳеч нарса ёзиб қолдирилмаган: баландлиги 9.5 метр, пастки айланаси 16 метр ва тепа айланаси 9.2 метр. Минорага чиқиладиган зинапоёси бор. Шу боис расадхонани юлдузларни кузатадиган университет деб атайдилар. Бундай расадхонани Кореянинг бошқа бирор ерида учратмайсиз.

“Жуда ноқулай расадхона” дейишади, баъзилар.

Чомсонг те устига чиқмоқчи бўлсангиз, энг аввал, ер устидан 4 метр баланд бўлган чоракам 1 метрлик баландликдан нарвонга чиқиб, юқори кўтарилиш керак.

кўп сўрарди. Пак Кёнгу кёсуним эса, жамиятшунослик фанидан дарс берарди. Сеулда туғилган, севганига уйланиб, Пусанга келиб яшаб қолган. Магистратурани Австралияда ўқиган, ҳозир адабиётшунос, доцент эди. Талабаларни ўзига яқин олиб муомала қилар, рафикаси билан учрашиб юрган пайтлари, севги қиссасини сўзлаб берарди. Турмуш ўртоғи ҳам ўқитувчи экан. Кёсуним шунчалар қаттиқ

севганки, севгилиснинг қўлидан тутишга ҳам ботинолмаган.

Домлалар ичида Бе Доёнг кёсунимни кўпроқ яхши кўрардик. Ўзи ижодкор бўлгани учунми, дарсга ўзгача иштиёқ билан кирар, талабаларга дарсдан ҳам олдинроқ ҳаёт сабоғини беришга ҳаракат қиларди.

Инсон, энг аввало, ўзини яхши кўра олсагина, бошқаларни ҳам сева олиши, ўзини бахтли ҳис қила олгандагина бахтли бўлиши мумкинлиги, севган ишингиз билан шуғулланишингиз ёки ҳозиргисига борингизни бағишлашингиз кераклиги каби оддий, лекин доимо эсда сақлаш лозим бўлган ҳаёт ҳақиқатларини кўп такрорларди. Киши ўзини ҳаммаша рағбатлантириб туришида бир ҳикмат борлигини шу ўқитувчидан ўргандим.

Кёсуним айтишларича, университетни битириб, ўзини бизнесга уради, катта компанияга ишга киради. “Ҳар куни байрам, чўнтак тўла пул, лекин менга бутунлай бошқа нарса кераклигини, нимадир етишмаётганини кейинроқ тушуниб қолдим. Университетга қайтдим, кечкурунлари ишлаб, кундузи ўқидим. Мен анча йўл юриб, нотўғри эканини англагач, қайтдим, аммо сизлар шошилмасдан тўғри йўлни танлаб боришингизни хоҳлайман”, — дерди домламин.

Ёки минора ичига кирсангиз ҳам йигирма олтинчи зинадан кейин кетма-кет иккита нарвондан кўтарилиб, туйнуқлардан ўтиб, тепага чиқиш керак...

Баъзи маълумотларда Чомсонг те Шинла қироли Сон Тоғё даври(632—647)да қурилган Шарқнинг энг узоқ сақланган минораси дейилади.

ШЁТИП ПОСИ

Кёнг жу саёхатига университет автобусида бордик.

Кореяда ҳар бир университетнинг ўз автобуслари бор. Улар “шёттип поси”(айланувчи автобус) деб аталади. Бу автобуслар ҳафтанинг олти куни, тонгги соат 7:50дан соат 21:30-22:00га қадар узоқда турадиган талабаларнинг университетга бепул келиб-кетишини таъминлайди.


Эрталаб талабалар ўқишга келадиган вақт бўлгани учун соат 10:00гача 6 минут фарқи билан, 11:00гача 10 минут ва 17:00гача 20 минут, 17:00 дан кейин 19:00гача — талабалар уйга кетадиган вақт бўлгани сабаб — ҳар 10 минутда, 19:00дан кейин эса, 20 минут фарқ билан ҳаракатланади.

Кореяда автобуслар графика қатъий риоя қилишади. Бу автобусларнинг университет ташкил этган шундай саёхатларда ҳам ёрдами тегади.

(Давоми бор.)

МАҚСАД — ЭКОТИВИЗМНИ АСРАШ

Мексиканинг Исла-Мухерес ва Канкун дам олиш худудлари соҳил бўйларида дунёдаги энг катта сувости музейи ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бундан мақсад табиатни муҳофаза қилиш, яъни дайвинг (сув қаърига шўнгиш) билан шуғулланувчи сайёҳларнинг қизиқиши тufайли нобуд бўлаётган маржон қояларини муҳофаза қилиш ва тиклашдан иборат. Бу ҳақида «Компьюлента» манбасида эълон қилинди.



Ўзига хос мазкур музей сув остида салкам 9 метр чуқурликда жойлашган. Экспозициялар муаллифи инглиз ҳайкалтарош ва рассоми Жейсон де Кейрес Тэйлор. Унинг асарлари тўплами «Сокин эволюция» номини олган. Ўтган йили ижодкор дастлаб учта ҳайкалини сув қаърига туширди.

Шу йил ёзига келиб ҳайкаллар сони 200тага етди. Август ойида яна 200та ижод маҳсули сув остига туширилиб, бу ерда уларни ўрнатиш ишлари бошланди. Муаллифнинг сўзларига кўра, тўплам айнан мана шу 400та экспозициядан иборат бўлади. Лойиҳа маблагини маҳаллий нодавлат ташкилотлари ёрдами билан тўпланган бегараз хайриялар ташкил этди.

— Ҳайкаллар водород кўрсаткичи рН денгиз сувининг мазкур катталиги билан бир хил бўлган бетон қоришмасидан қуйилади, — деди ижодкор Жейсон де Кейрес Тэйлор. — Қолаверса, уларнинг ташкил қилини мақсадли равишда ғовакли қилиб ишланади. Негаки, ана шунда денгиз организмлари, масалан, бир жойда яшайдиган ковакичаклилар, медуза ва актиниялар учун энг мақбул яшаш шароитини яратиш мумкин бўлади.

Ҳайкалтарош тез орада кўплаб сув ости организмларини ўзига жалб этилиши кутилаётган ҳайкаллар парки маржон қояларининг ўрнини босадиган худудга айланишига умид қиляпти. Шу йўл билан йилига ярим миллионгача сайёҳлар ташриф буюрадиган мазкур соҳилларда маржон қояларини муҳофаза қилишга эришилиши кутилмоқда.

ИНТРОСПЕКЦИЯ НИМА?

Инсон фикрлари ва қабул қилган қарорларининг қанчалик даражада тўғри эканини баҳоловчи бosh миya қисми аниқланди. Аслида бу ҳаракат илмий тилда интроспекция деб аталади. Олимларнинг айтишича, эндиликда тадқиқот тufайли руҳий хасталарни даволашда яна бир имконият юзага келди, деб ёзади «Сайнс» нашри.



Маълум бўлишича, инсон ўз қарорлари борасида фикр юритганда бош миya қобиғининг ўнг томон олд қисми кўпроқ фаолият юритади. Мазкур организм инсон кўзлари ортида жойлашган.

— Интроспекция одамларнинг ақлий етуқлигини белгилувчи асосий омиллардан ҳисобланади, — деди тадқиқот раҳбари Лондон университети профессори Стефан Флеминг. — Шу боис инсоннинг онгли равишда амалга ошираётган фикрлаш ҳаракати пайтидаги биологик жараёнларни ҳам батафсил ўрганишни режалаштирди.


Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳаракатлар илмий тилда инсоннинг метакогнитив қобилиятлари, деб юритилар экан. Улар учун масъул миya қисмини аниқлаш мақсадида эса тадқиқотга 32 нафар ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом кўнгиллилар жалб этилган. Тажрибада уларга қора экранда геометрик шакллардан ташкил топган энг ёрқин нақшни аниқлаш сўралди. Шунингдек, иштирокчиларга ўз қарорига қай даражада ишонишини ҳам баҳолаш таклиф этилди. Айни пайтда уларнинг миya фаолиги томография усули билан кузатиб турилди.

Профессор Флемингнинг гапларига кўра, одатда юқори даражадаги интроспекцияга эга инсонлар фақат нотўғри қарор қабул қилганда иккиланиб, энг мақбул йўлни танлаганида эса, аксинча қатъий ишончга эга бўлади.

Тажриба барча иштирокчилар берилган вазифани яхши уddалаганига қарамай, олимлар улар орасидан юқори даражадаги интроспекцияга эгаларни саралаб олишга муваффақ бўлди. Бош миya фаолиги кўрсаткичларини таққослагач эса, интроспекция жараёни кечиши учун миyнинг қайси қисмлари фаолият юритиши зарурлигини белгилашди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, инсон анатомиясидаги бу каби тафовутлар ҳаётий тажрибага қараб ҳам фаркланади. Бу эса интроспекция қобилиятини йиллар давомида шакллантириш мумкин, дегани.

ШОҲДОР ДИНОЗАВРЛАР ҚОЛДИҒИ ТОПИЛДИ

Австралия ва АҚШ палеонтолог олимлари томонидан Юта штатидаги Кайпаровиц платосида янги турдаги «шоҳдор» динозаврлар қолдиқлари аниқланди. Янги топилма ютацератопс гетти (*Utahceratops gettyi*) ва космоцератопс ричардсони (*Kosmoceratops richardsoni*) номлари остида биология китобларига киритилди. Таъкидлаш жоизки, атамаларнинг иккинчи қисми топилма муаллифлари Юта табиий тарихи музейи илмий ходими Майк Гетти ва ҳаваскор палеонтолог Скотт Ричардсон исмларидан олинган. Мавзуга бағишланган мақола «ПлоС Ван» журналида чоп этилди.



Мутахассислар икки қадимий жонзот ҳам цератопсид оиласи вакиллари бўлганини таъкидлашди. Улар тахминан 76 миллион йил илгари яшаган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, ўша даврда Шимолий Америка китъаси гарбий ва шарқий қисмларга ажралган. Айни кунгача гарчи худудий қамровига кўра шарқий худуд гарбий қисмидан катта бўлса-да, унинг фауна ва флораси жуда кам тадқиқ этилган.

Қисқача Ю.гетти ва К.ричардсони дея номланадиган мазкур динозаврлар ўтхўр ҳайвонлар бўлиб, улар тўрт оёқлаб ҳаракатланган. Биринчи динозаврнинг тана узунлиги 6-7 метрга тенг бўлган бўлса, космоцератопс эса 5 метрга етган. Уларнинг танаси ҳажми ҳам шунга яраша экан: ютацератопс 3-4, унинг оиладоши — 2,5 тонна оғирликка эга бўлган. Ютацератопснинг икки бош қисмида иккита шоҳи бўлган бўлса, космоцератопсда эса 15та шоҳ бўлгани тахмин қилинмоқда.

«БУКРИ»НИНГ НООДАТИЙ САЁХАТИ

Океанортилик олимлар кузатуви остида бўлган букри китлардан бири гайритабиий равишда шу кунгача кузатилмаган саёҳатни амалга оширди. Атлантика коллежи илмий ходимларининг таъкидлашича, у Ер шарининг тўртдан бир қисмига тенг масофани босиб ўтиб, сутэмизувчилар орасида ўзига хос рекорд ўрнатди. Бу ҳақида «Байолижи Леттерс» («*Biology Letters*») илмий нашрида маълум қилинди.



Мутахассислар аввалига китни Бразилия соҳилларида суратга олган бўлса, (одатда сув ҳайвонлари бу ерга болалаш даврида сузиб келади) кейинчалик Мадагаскар яқинида кўришган. Мазкур манзилгоҳлар ўртасидаги масофа эса камида 9 800 километрни ташкил этади. Бу ҳар мавсумда китлар болалаш учун босиб ўтадиган масофадан 2 баробар катта кўрсаткич, дегани экан.

Илмий гуруҳ раҳбари Питер Стевик урғочи кит энг қисқа йўлни танламаганини айтмоқда, чунки ҳайвон тўхтовсиз шундай катта масофани босиб ўтишга жисмонан қодир эмас. Шунинг учун олимлар унинг йўл-йўлак ай Антарктида яқинида тўхтаб ўтганини тахмин қиляпти. Қолаверса, бундай саёҳатни урғочи кит амалга оширгани ҳам олимларни таажжубга солди, боиси одатда улар узоқ масофаларга кетиб қолмайди. Айни пайтда мутахассислар «саёҳатчи»нинг айнан уларнинг назорати остидаги кит эканига шубҳа қилмапти. Сабаби, ҳар бир букри китнинг дум сузгичида фақат ўзигагина хос белгилари бўлади.


ЭНГ КАТТА ДНК ТУПЛАМИ

Буёқ Британиядаги Кью Жодрелл лабораторияси илмий ходимлари Японияда ўсадиган *Paris japonica* номи остидаги ўсимлик дунёда энг катта геном(генлар тўплами)га эгаллигини эълон қилди. Унинг генлар мажмуи инсон геномидан ҳам катта, дейилади «Ботаникал жоурнал» («*Botanical Journal*») нашрида.

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ДНК сони ўртасидаги тафовут дунё илм-фан соҳасида геном аниқланган давр — XX аср бошлариданоқ олимларни ўйлантириб келади. Нима сабабдан ҳайвонот ва наботот олами вакиллари эволюцияни турлича бошдан кечиргани масаласи ҳам ҳалигача ойдинлашмаган.

Мутахассисларнинг айтишича, геномлар хилма-хиллиги табиатда жуда кўп учрайди. Жумладан, генлар тўплами кичик бўлган организмлар сифатида асосан вирус ва бактериялар кўрсатилади. Инсон геноми эса атиги 3 пикограммага тенг бўлиб, бу кўрсаткич ўсимликлар ва ҳайвонлар генлар мажмуига нисбатан анча кичик экан.

Жонзотлар орасида сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшовчи баъзи ҳайвонлар геноми жуда катта ҳисобланиб, шу пайтгача улкан протоптер деб аталадиган балик (132.83 пикограмма) бу борада етакчи эди. Аммо *Paris japonica* ўсимлигининг геноми бундан ҳам 15 фоизга катталиги аниқланди.



Олимлардан бири Илья Лейтч ушбу ҳажман кичик ўсимлик ниҳоятда йирик геномга эгаллиги билан кўпчиликини ҳайрон қолдирганини алоҳида таъкидлади. Бошқаларга нисбатан катта генлар тўпламига эга организмлар ҳужайралардан тортиб умумий тузилишигача фарқлиниши ҳам маълум қилинди.

Тадқиқотчилар йирик геномга эга ўсимликларнинг йўқолиб кетиш хавфи баланд бўлиб, ноқулай табиий муҳитда яшашга мослашиши қийин кечишини қайд этишган. Негаки, уларнинг умргузаронлик қилишида муҳим ҳисобланган жараён — ҳужайралар бўлинишидан олдин ДНК тузилиши «нусхаланиши» талаб этилади. Бу йирик геномга эга организмларда жараён қолганларга нисбатан узоқ вақтда кечди, деганидир. Саҳроларда кичик геномга эга ўсимликларнинг кўп бўлиши сабаби ҳам шунда экан: генлар тўплами катта бўлган организмлар эса бундай шароитда секин ўсади ёки нобуд бўлади.

ЎЗГАЧА ҚУВВАТ МАНБАИ

Ўта юқори даражадаги босим остида ўзида катта микдордаги қувватни сақлаши мумкин бўлган, айни пайтда жуда ихчам шаклга эга материал яратилди. Вашингтон университети олимларининг мазкур ихтироси ҳақида «Нейче кемистри» («*Nature Chemistry*») журналида хабар қилинди.

Жараёнда олимлар кичик майдонда юқори босимни ҳосил қилишга интилган Кремний ўтказгичларни яратишда қўлланиладиган оқ кристалл модда иккита олмос сандон орасига жойлаштирилган. Одатдаги шароитда модданинг молекулалари бир-биридан анча узоқ жойлашган бўлади. Лекин босим кучайтирилгач, материал яси яримўтказгич шаклига кирган. Олимларнинг изохлашича, босим баланд бўлгани сари молекулалар зич уч ўлчамли тузилмаларни ҳосил қилган. Натижада, жуда катта микдордаги механик энергия сиқилган ҳолатда молекулаларнинг кимёвий бирикмалари шаклида сақланган.



Тадқиқотчи Чунг-Шик Ю сўзларига қараганда, изланиш фундаментал фан йўналишида амалга оширилган. Аммо моҳиятан у орқали механик энергиянинг кимёвий ҳолатда сақланиши намойиш этилган. Келгусида материалдан янги турдаги асбоблар, энергетик ёқилғи, қувватни сақловчи ускуналар, ўта юқори ҳароратда ишлайдиган ўтказгичларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис Маркази жамоаси марказининг «Касбий ахборотлар ва маслаҳатлар» бўлими методисти Дилором Аҳрорхўжаевага опаси
Малика ФАЙЗИЕВАНИНГ
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми. Бошланиши газетанинг 81-сониди.)

Бошга савдо тушганда:

— Оллоҳ сабр берсин.
— Мушкулингиз осон бўлсин.
— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ...

Юк кўтарганда:

— Ё, пирим! Ё, Балоғардон...

Саросимага тушган одамга:

— Ҳовлиқманг, шошгандан ҳовлиққан ёмон...

Дард-ташвиш чекиб турган кишига:

— Оллоҳ шифо берсин.
— Бу кунлар ҳам ўтади.
— Кўрмагандек бўлиб кетасиз...

Ота-она фарзандига:

— Дардингни олай, сенга келган бало менга урсин...

Ёмон нафас(ният) эшитганда:

— Нафасингни ел(шамол) учирсин...

— Нафасингни иссиқ қил.

Ўйкудан турганда:

— Оллоҳ, ўзингга шукур.

— Етказганингга шукур...

Янги ой чиққанда:

— Оллоҳ, етказганингга шукур.

— Янаги ойларга ҳам тўрт кўз туғал, эсон-омонликда етиб юрайлик.

Янги мева тановулида:

Қулоққа илиб, ё бошдан ярим айлантириб, оғизга соларкан:

— Омонлик-сомонлик, етказган неъматингга шукур. Янаги йиллар-

да ҳам неъматларингдан баҳраманд бўлиб юриш насиб этсин...

Янги либосга эътиборда:

— Муборак бўлсин. Энгингизда тўзисин, тепкилаб-тепкилаб кийинг...

Фарзанд туғилганда:

— Илоҳим, умрию ризқи билан, ота-онаси билан берган бўлсин. Умри узун, ризқи бутун бўлсин...

— Суюнчи беринг(қариндошига) ўғиллик(қизлик, неваралик, жиянлик...) бўлдингиз...

Тўй ўтгач:

— Хорманг энди! Келиннинг қўлидан чой ичиб, яйраб ўтирибсизми, хотиржам? Илоҳим, ёшлар кўша қаришсин, ҳузур-ҳаловатларини кўриб юринг...

Азадор ўғил(қиз)га:

— Бандалик, худо сабр берсин. Ота-она ўлмоқ мерос...

Ajdodlar odobi

Таваккал қилганда:

— Таваккал! Ё чикка, ё пукка!
— Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди...

Онгда қолганда:

— Ё, парвардигор! Ўлимдан хабарим бор, бу ишдан хабарим йўқ. Алҳазар...

Қабристонга кирганда:

— Ўтганларнинг барчасини Оллоҳ раҳмат қилсин. Ҳаммамизнинг келар жойимиз шу...

Йўлга тушганда:

— Оллоҳ, йўлимизни ёруғ қил, мушкулимизни осон қилгин. Ишларимизнинг ривожини бергин...

Маҳмуд САТТОР

(Давоми бор.)

1994 йил кузи эди. Самарқанд — Қарши автомагистрал йўли ёқасидаги мактабимизга велосипед минган бир гуруҳ инглиз сайёҳлари кириб келди. Буюк Британиянинг Кембриж университети ўқитувчиларидан иборат сайёҳлар Шахрисабздан Самарқанд шаҳрига бораётиб, бизнинг мактабга ҳам келган, инглиз тили фани ўқитувчимиз кўмағида биз ўқувчилар улар билан суҳбатлашган эдик. Шунда сайёҳлар инглизларнинг бир миллий ўйинини кўрсатиб берган, бунга жавобан инглиз тили ўқитувчимиз уларни кўшни қишлоқда бўлаётган тўйга — кўпқарига таклиф қилганди. Сайёҳларнинг миллий қадриятимиз ҳисобланган улоқ-кўпқарини томоша қилиб, нақадар ҳайратланишгани ҳамон эсимда. Бундан барчамиз гурурлангандик.

Тўғри-да, фахрланмай бўладими, улоқ-кўпқари миллий қадриятимиз, қадимий оммавий, миллий ўйинларидан бири бўлса. Бу ўйин, асосан, Наврўз ва ҳосил байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати билан ўтказилади. Кўпқари кўнгилоҷар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан, ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил, довжорак қилиб тарбиялаш вазифасини бажарган. Бундан ташқари, от наслини яхшилашга, чидамли, тез ҳаракат қиладиган зотларини кўпайтиришга хизмат қилган.

— Боир ака, маълумки, ҳар бир ўзбек боласи ёшлигидан миллий ўйинлар ўйнаб улғаяди. Сиз ёшлигингизда ака-укаларингиз, тенгдошларингиз билан қандай ўйинларни ўйнагансиз?

— Мен туғилиб ўсган Фармонқўрғон қишлоғида ҳам ўғил-қизлар эрталаб дарс бошлангунча ва дарсдан кейин оиладаги юмушларни бажаришдан ортиб, турли миллий ва ҳаракатли ўйинлар ўйнаб катта бўлишган. Ёшлигимда укаларим, тенгдошларим билан далада мол, қўй боқиб, чиллак, ланка каби ўйинларни кўп ўйнаганман. Бундан ташқари, мактабда ўқиб юрган давримда волейболга жуда қизиқардим. Мактаб жамоамиз билан мактаблараро, туман, вилоят миқёсидаги мусобақаларда голиб чиққан пайтларимиз бўлган.

Қолаверса, отам Мирзаали хожи фарзандлари соғ-саломат улғайишлари учун қишқировли кунларда ҳам баъзан уйимиз деразаларини алламаҳалгача очиб қўярди. Бунинг сабаби — биринчидан, уйга тоза ҳаво кирарди, иккинчидан, инсоннинг боши совқотса-да, оёғи иссиқ сақланса, бўлди, дерди отам. Ўрнимиз ҳам қалин солинамасди, тўшакни юпка солиш тана учун фойдали эканлигини отам кўп такрорларди.

Отам от бор хонадонга шайтон яқинлашмайди, деган ақидага амал қилиб, доимо от боқарди. Оилада ўн нафар фарзанд бўлганимиз боис, ўғилларидан бирортаси чаван-

Боир ХОЛМИРЗАЕВ:

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ОТМИНИШНИ ЎРГАТАЙЛИК

доз бўлишини истаган отамни ўша фильмдаги Тошмурад полвон образини яратганимда чуқур тушундим.

Бир марта ўзимнинг тойим билан кўпқарида чеккароқда полвонларнинг ўйинини кузатганим эсимда.

— Демак, «Чавандоз» картинасидаги ролингиз ўзингизга, руҳиятингизга бегона эмас экан-да? Қолаверса, халқимизда «От — йигитнинг йўлатоши», «От билан қувсанг, етасан, қочсанг — қутулсан» каби иборалар ишлатилади. Севимли фильмлардан бирига айланган «Чавандоз»даги Тошмурад полвон ролини ўйнашингиз олдида от характери, полвон руҳиятини ўрганиш жараёни қандай кечди?

— От полвонни, полвон отни танлайди. Чавандоз отга меҳр берса, от меҳрни қайтарди, ўзига нисбатан қаҳрни сезса, уни ҳам қайтарди. Отга шунчаки юзаки меҳр кўрсатилса ҳам жонивор буни илғайди ва ёнига йўлатмайди. От билан полвон бир-бирига қараб, овозсиз суҳбатлашади. Фильмда суратга олинган барча отлар улоқчи тулпорлар эди. Улардан битта от билан-

Истиқлолнинг дастлабки йилларида улоқ-кўпқари ва бошқа миллий ўйинлар, миллий спорт турларимиз ҳақида ҳужжатли фильмлар яратилган эди-ю, бироқ бадий фильмлар суратга олинмаганди. Киноижодкорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бу масала ҳам навбати билан ҳал этиб келинаётгани қувонарли. Дастлаб ўзбек миллий кураши тараннум этилган «Нотаниш полвон» фильми томошабинларга ҳавола этилди. 2008 йили эса режиссёр Ҳамидулла Ҳасанов драматург Фафур Шермуҳаммад сценарийси асосида улоқ-кўпқари, полвонлар ҳаёти ҳақидаги «Чавандоз» бадий фильмини суратга олди. Айтиш ўринлики, икки ярим йил давомида кинотасмага муҳрланган бу картина муваффақиятли чиққани туфайли халқимиз кўнглидан жой олди.

«Чавандоз» фильмида Тошмурад полвон ролини маҳорат билан ўйнаган актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Тошкент давлат санъат институти доценти, дубляж устаси Боир Холмирзаев билан бўлган суҳбатимиз оилада от тарбиясининг ўрни, от ва инсон муносабати, спортнинг ҳар бир киши саломатлиги учун қай даражада зурурлиги ҳақида кечди.

гина келиша olmadim. У мени «Сен полвон эмас, санъаткорсан» дегандек, қабул қилмади. Бошқа барчаси билан «тил» топиша олдим.

Бу ролни ўйнашдан олдин Сурхондарё, Самарқанд, фарғоналик кўплаб чавандозлар билан суҳбатлашдим, албатта. Шундай полвонлар борки, улар улоқ-кўпқари пайтида оддий одамларнинг қўлини ҳазиллашиб ушласа ҳам узиб олгудек даражада куч ишлатади. Улар майдонда зот деб эмас, ор учун курашадилар. Бунга ўзим бевосита гувоҳ бўлиб, миллий қадриятимиз саналган улоқ-кўпқари ўйинимиз борлигидан гурурланиб кетдим. Ролни ижро этиш асносида ҳам шу жиҳатлар эътиборимда турди, қолаверса, отнинг эшитганларимга амал қилишга интилдим.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси мен учун ардоқли асарлардан саналади. Суратга олиш лари билан олдин уни яна бир бор ўқиб чиқдим.

Яна бир эътиборли жиҳатни айтишим жоиз — фильмин суратга олаётган пайтимизда олдимга келбатли бир полвон келиб, менинг ҳаётимни ўйна-

ётган экансиз, деб қолди. Унинг ҳам беш нафар қизи бор экан.

— Боир ака, полвон зоти танти бўлади. Аммо «Чавандоз» фильмида Раҳмат қасоб Бешим чавандозга «Сизда тангилик оз, полвон» дейди. Фильм сўнгиде кўрамизки, танти полвон — Тошмурад чавандоз шунча аччиқ гаплари, киноялари, кўпқаридаги номарддигига қарамай Бешим улоқчининг ярашиш максасида узатган қўлини қайтармайди. Бу — спортнинг, полвонликнинг инсондаги одамийлик фазилатларини тарбиялаши демакдир. Сиз бу борада қандай фикрдасиз?

— Полвон зоти майдалашмайди. Чунки спорт кишини сабр-тоқатга, нафсни тийишга ўргатади. «Чавандоз» фильмидаги Тошмурад полвон образи шу каби жиҳатлари билан халқ кўнглидан жой олган бўлса, мен бундан миннатдор бўламан.

— Спорт — ҳар бир соҳа кишиси учун керак. Санъаткор ҳаётида спорт кўпроқ қайси пайтда керак бўлади?

— Тошкент давлат санъат институтида ўқиб юрган даври-

Dildan suhbat



мизда марҳум устозимиз, профессор Раҳим Сайфуддинов ва ҳозирги пайтгача устозлик қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Фармонов актёр жисмонан соғлом, тик қоматли, кўркам бўлиши керак, деган гапларни кўп айтарди. Ҳар бир талабадан бирор спорт тури билан шуғулланишни талаб қиларди. Институтни битиришимда ҳам диплом, ҳам волейбол бўйича спорт устаси ҳужжати олиганман. Ҳали ҳам ҳамкасбларим, талабалар билан волейбол, мини-футбол ўйнашни қанда қилмаганмиз. Театрлараро ҳам мусобақалашиб тураимиз.

Оилада тўрт нафар фарзандим, бир неварам бор. Фарзандларимнинг барчаси спорт ва саломатлик соҳаларида хизмат қиладди.

Инсон ҳаёти, турмуши фаровон бўлиши бошқа кўп жиҳатлар қатори унинг спорт билан шуғулланишига ҳам боғлиқ. Қолаверса, институтдаги устозларимиз актёр 30 фоиз каскадёр ҳам бўлиши керак, дея қулоғимизга қуйишган. Мен «Чавандоз» фильмидаги мураккаб сьемкалар жараёнида деярли барча ҳаракатларни ўзим, каскадёрларсиз ўйнаганман. Спорт — биринчи навбатда саломатлик гарови экан, унга ҳеч биримиз бепарқ бўлмайлик. Ҳар бир ота-она ўғилларига от минишни ўргатишса, марра — уларники!

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

— Болаларни спортга қизиқтириш ва мунтазам шуғуллантириш мақсадида уларни аввало миллий спорт ўйинларига жалб этишга ҳаракат қиламан, — дейди Амударё туманидаги 11-умумтаълим мактабининг олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Раҳимжон Кушаев. — Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, мактаб остонасига энди қадам қўйган ўқувчиларда халқ ўйинларига қизиқишни шакллантириш кейинчалик уларнинг қай бир спорт турини танлашига кўмак беради.

Раҳимжон Кушаевнинг мураббийлик маҳорати сири унинг ўзигагина хос дарс услубларида, ҳамма «ўқитувчилар оиласи» деб ҳурматлайдиган оилада олган тарбияси ва қон-қонига сингиб кетган болаларга бўлган меҳридадир. У жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш мақсадида Бухоро давлат

тўғараги мураббийлигига таклиф қилинди. Натижада, 2004 йилдан бошлаб Раҳимжон Кушаев мазкур муассасада ҳам ишлаб боради, бу ердаги фаолият унинг янада кўпроқ тажрибага эга бўлишига замин яратди. Мураббийдаги чинакам ташаббускорлик ва устозларга хос фидойилик фазилати ўз фаоли-



Казакбаев эса шу кунгача ҳам устозлик қилиб келади. Мураббий шахмат сирларини болаларга ўргатар экан, бу шунчаки спорт тури эмас, ақлни чархловчи, зехнни ўткирлаштирувчи санъат эканини, унинг тарихини гапириб беришдан ҳеч чарчамайди. Эркин Воҳидовнинг шахмат тўғрисидаги

гирдларни тайёрлайди, десак асло муболаға бўлмас. Буни ҳозир у фаолият олиб бораётган таълим-тарбия масканларида жуда ҳаракатчан, кундан-кунга шахмат бўйича билим-қўникмаларини ошириб бораётган спорт тўғараги аъзолари сони кўпаяётганидан ҳам англаб олиш мушкул эмас. Ахир, беҳиз Раҳимжон Кушаев 2007 йили Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Энг яхши мураббий» номинациясида голиб деб топилмаган.

— Мактабда шахматсевар ўқувчилар учун «Шатранж» клубида ўтадиган бахслар севимли машғулотлардан бирига айланган, — дейди мактаб директори Зулфия Юсупова. — Албатта, бунинг за-



ШАХМАТ БҮЙИЧА ЯНГИ РЕКОРД

Исроиллик шахматчи Алик Гаршон эронлик ҳамкасби Мортес Маҳжуб ўрнатган рекордни янгилашга қатъий аҳд қилди. Спортчи пайшанба ва жума кунлари Тель-Авив марказий хиёбонида 500 нафардан ортиқ рақибга қарши бир вақтда мусобақалашди, деб хабар берди мусобақа ташкилотчилари.

Эслаб ўтиш жоизки, 30 ёшли Алик рекордни янгилаш ва ўз исмини Тиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун камда 80 фоиз рақибни устидан зафар кучиши лозим. Бундан ташқари, рақибларнинг барчаси Исроил шахмат федерацияси рўйқатидан ўтган бўлиши керак.

Алик Гаршон асли Украинанинг Днепрпетровск шаҳрида туғилган бўлиб, икки ёшидан бошлаб шахмат билан шуғулланади. Беш ёшидан йирик мусобақаларда иштирок этиб келяпти. 1990 йили Исроил чемпиони бўлди. 1994 йили ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида голиб бўлди.



«ШАХМАТ – САНЪАТ ВА КУРАШ ТАЖАССУМИ»

педагогика институтига ҳужжат топширди. Бундан бир муддат аввал ҳарбий хизматда чиниққан Раҳимжон учун институтнинг бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетига кириш имтиҳонлари қийинчилик тугдирмади. Дипломини қўлга олган Раҳимжон Кушаев туғилиб ўсган Қипчқоқ қишлоғидаги 65-мактабда мураббийлик фаолиятини бошлади. 1996 йилдан эса тумандаги 11-умумтаълим мактабда жисмоний тарбиядан дарс бериб, шунинг баробарида бошланғич ҳарбий таълим раҳбари сифатида ишлади. Дарсларни қизиқarli ўтиши, айниқса шахматга болаларда меҳр уйғота олгани туфайли ўқувчилар дарслардан кейин ҳам «Устоз, шахмат ўйнайлик», «Бугун синфларо мусобақа ўтказайлик», деб келишарди. Бу каби ҳолатлар ўқитувчинини янги ташаббуслар билан қишига ундади. Ана шундай эзгу мақсадларга йўғрилган ҳаракатлар туфайли қисқа фурсат ичида илм масканида «Шатранж» клуби ташкил этилди. Ташаббус туманда илиқ қарши олинди ва устоз 2-болалар спорт мактабда шахмат-шашка

ятига жиддий ёндашиб, болаларга билим ва қўникмалар беришда масъулият билан ишлашга ундади. Унинг ҳаракатлари натижасида кўплаб шогирдлари талабалар сафидан жой олган, яна кўплари бугун ҳаётда ўз ўрнини топиб, устоз номини шарафлаётгани рост. Алоҳида таъкидлаш зарурки, Раҳимжон Кушаевнинг изланиш ва сидқидилдан қилаётган меҳнати ҳукуратимиз томонидан муносиб баҳосини топди: мураббий жорий йилда «Шухрат» медали билан тақдирланди. Шундай сурурли дамларда ўқитувчининг ўзи ҳам устозларини хотирлайди. — Инсон кейинчалик қайси йўналиш бўйича фаолият олиб боришидан қатъи назар, қўлига қалам тутиб, илм остонасидан унинг тетапоя қилиб ўтишига ёрдам берган биринчи устозидан доим миннатдор бўлар экан. Шу боис ҳам илм устозим Раҳима опа Нигматуллаеванинг хизматларини ҳеч қачон эсимдан чиқара олмайман. Яна бир устозимиз Гулмирза Собуров жисмоний тарбиядан дарс берган эди. Мураббийим Яраш

қуйидаги сатрларини такрорлашни яхши кўради: **Гўзаллик, нафосат, кураш ва санъат, Шеър ила шахматда азалий удум.** Унинг ана шундай ижодкорона сабоқлари туфайли мактабда, шахмат-шашка тўғарагида мазкур спорт турига қизиқадиган, мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришаётган болалар кўпаймоқда. Хусусан, Амударё туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Назокат Фойпова 2005 йили Қорақалпоғистон Республикаси чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Яна бир шогирди Жаҳонгир Эримбетов ҳам 2005 йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикасида биринчи ўринни эгаллади. 2007 йили ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги «Камолот шахмат тахтаси» турнирида барча босқичлардан ўтиб, республика финал мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди. Якуний бахслардан эса Жаҳонгир кумуш медаль билан қайтди. Мураббий келгусида бу каби яна кўплаб шо-

мирида мураббий жонқурлиги ётади. Галдаги мусобақаларга шогирдларини тайёрлаш билан банд бўлган Раҳимжон Кушаев дарсини кузатиб, у бирор-бир дақиқасини бехуда сарфламаслигига амин бўласиз. — Мен учун дарс — имкониятларга, янгиликларга йўл очувчи, ҳар бир дақиқаси қадрли бўлган вақт, фурсат. Негаки, сабоқ жараёни нафақат ўқувчиларга, балки ўқитувчига ҳам кўп нарса бериши зарур. Қолаверса, кимлар учун жуда кичик вақт оралиғи ҳисобланган бир дақиқа, бир сония қадрини спортчидан-да яхшироқ ким ҳам ҳис қила оларди, — дейди бу борада мураббий. Ўқитувчи шунингдек, мамлакатимизда болалар спортига бўлган эътиборнинг бир кўриниши сифатида унинг фаолиятига юксак баҳо берилишини рағбат билан бирга чинакам ишонч ва масъулият сифатида қабул қилганини такрорлашдан чарчамайди. **Санобар ЖУМАНОВА,** «Ma'rifat» мухбири

Murabbiylik orzusi

ЛЮКСЕМБУРГДА МУҲИМ СИНОВ

Сербиялик машҳур теннисчи Ана Иванович Люксембургда ўтказилаётган умумий ютуқ жамғармаси 220 минг долларни ташкил этувчи халқаро турнирнинг биринчи тур матчида муваффақият қозонди.

Қуни кеча тўртинчи рақам остида кортга тушган Иванович дунёнинг 65-ракеткачиси шведиялик Йоханна Ларссон устидан қийинчиликсиз зафар кучди. Икки сет давом этган мусобақа 6:3, 6:0 ҳисобида серб теннисчиси фойдасига ҳал бўлди. Мусобақанинг иккинчи босқичида Люксембург биринчилигининг 2007 йилги голибаси Иванович испаниялик иқтидорли теннисчи Арант Парро-Сантонейга қарши кортга тушади. Мазкур турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси Елена Деметрьюева эса франциялик Араван Резаига қарши кортга чиқади.



БЕКХЭМ — «НЬЮКАСЛ» ҚУТҚАРУВЧИСИ

Англиянинг машҳур футболчиларидан бири Девид Бекхэм келгуси ойда ўзи фаолиятини давом эттираётган «Лос-Анжелес Гэлакси» клуби билан Австралияга йўл олади. «Яшил қитъа»да улар маҳаллий клуб «Ньюкасл Жейтс»га қарши майдонга тушади, деб хабар берди клубнинг расмий сайти.



Шунинг учун ҳам Бекхэм Австралия футболчи билан қизиқиб қолган. У мазкур клуб ва унинг ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан танишишга киришган. Лос-анжелесликлар у ерда тўрт кун бўлиб, турли маданий учрашувлар, ўртоқлик ўйинлари ўтказди. «Ньюкасл» клуби тадбиркори Натан Тинклер мазкур сайёҳаракатларни жамоага хавф солаётган иқтисодий инқироздан асраш мақсадида амалга ошираётган экан.

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Баскетбол бўйича Евролиганинг амалдаги чемпиони — Каталониянинг «Барселона» жамоаси янги мавсумни галаба билан бошлади. «Барселона» ўз майдонида Хорватиянинг «Цибон» клубини 80:66 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шунинг айташ кераки, ўйин давомида «Барса» ҳимоячиси Рики Рубио фаоллиги билан яққол ажралиб турди. 19 ёшли ҳимоячи ўз жамоасининг 14 очкосини ишлади ва яна бир неча бор ҳужумчиларни тўп билан таъминлади. «Цибон» жамоаси ўз вакили Боян Богданович ёрдамида 28 очко жамғарди, ammo галаба уларга насиб этмади. Бошқа жамоалар иштирокидаги матчлар натижаси қуйидагича: «Каха Лаборал» — «Максаби» 94:78, «Уникаха» — «Шарлеруа» 84:73, «Валенсия» — «Панатинайкос» 56:72, «Монтепаси» — «Шоле» 74:44.



Ш.ЖҲРАЕВА тайёрлади.

ЗИЙРАК ВА ЭПЧИЛ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига 8 йил тўлгани муносабати билан пойтахтимиздаги «Қушбеги» спорт мажмуасида қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича республика биринчилиги ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган қизлар жамоалари ўзаро кураш олиб борди. Тадбирнинг очилиш маросимида Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбе-

кстон гандбол федерацияси, «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакиллари иштирок этди. Қўл тўпи кишидан зийраклик ва эпчилликни талаб қилади. Бундай хислатлар эса йиллар давомидаги мунтазам олиб борилган машғулоти мусобақалар жараёнида шаклланади. Беллашув иштирокчилари ҳам ана шундай машғулотларда чиниққани мусобақанинг

ғоят кескин ва муросасиз кечганида намоён бўлди. Якунда пойтахтлик қизлар барча жамоаларни ортда қолдириб, биринчиликни қўлга киритди. Андижон вилояти жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Наманган вилояти вакиллари учинчи ўрин насиб қилди. Голибларга фахрий ёрлик ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совгалари топширилди. **Анвар ҚОБИЛОВ,** «Ma'rifat» мухбири



ШАРОИТ ВА ҲАРАКАТ УЙҒУНЛИГИ муқаррар ғалабага элтади Suv sporti

(Давоми. Боши 1-бетда.)
Маълумки, ҳозир юртимизнинг олис-яқин шаҳар ва қишлоқларида ҳам замонавий сузиш ҳавзалари бунёд этилиб, фарзандларимизнинг қишин-ёзин сув спорти билан мунтазам шуғулланиши учун шароитлар яратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги республика ихтисослаштирилган сув спорти мактаби фаолият кўрсатаётгани эътиборга молик. У ерда таълим олаётган ўғил-қизларнинг ички ва халқаро ареналарда ишончли ғалабаларни қўлга киритаётгани кенг жамоатчилик олқишига сазовор бўлмоқда. Жорий йилда

Сингапурда ўтган I ёшлар олимпиадасида қатнашган спортчиларимиз Юлдуз Кўчқорова ҳамда Дмитрий Швецов ҳам айнан шу мактаб тарбияланувчиларидир.
— Эрталаб уйқудан уйғонгач, илиқ сувда ювинишнинг фойдаси шу қадар бисёрки, уни санаб адо қилолмайсиз. Муҳими, жисмингиз ва руҳингиз теклашади, ақлингиз равшанлашади, фикрларингиз теранлашади. Буларнинг барчаси муваффақият қозонишда бирламчи омил эмасми, ахир, — деди биз билан суҳбатда мактаб директори Д.Кушнирук. — Бугунги даврда энг йирик мусобақа — олимпиада тизимида ҳам сув спортининг киритилиши бежиз эмас.



Ҳозирда республика ихтисослаштирилган сув спорти мактабида жами 246 нафар ҳаваскор спортчи мунтазам шуғулланаётир. Ёшларга 28 (уларнинг 14 нафари хотин-қиз) нафар мураббий йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Мактаб асосан сузиш, сув полосу ва сувга сакраш бўйича Ўзбекистон терма жамоасига муносиб номзодлар тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган.
— Индонезияда ўтган Осиё чемпионати олдидан юксак натижаларни орзу қилганимиз рост, бироқ уларга эришиш осон кечмаслигини билардик. Айни пайтда, сув спортини, жумладан, сув полосини ривожлантиришда улкан имкониятлар эшигини очиб берган муҳта-

рам Президентимиз ва ватандошларимиз олдидаги масъулият ҳисси бизни юксак марралар сари руҳлантирди, — деди сув полосу бўйича қизлар жамоаси бош мураббийи Наталья Рустамова таасуротлари билан ўртоқлашаркан. — Ўйлайманки, айнан шунинг учун ҳам биз ўз диёримизга ғалаба билан қайтдик.
Қувонарлиси, ўғил ва қизларимиздан иборат сув полосу бўйича икки терма жамоамиз ҳам жаҳон чемпионатига йўлланма эгалари бўлди. 2011 йилда ўтадиган ушбу мусобақада эришиладиган муваффақият эса 2012

йили Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш имконини берадиган лицензияларни тақдим этади.
Ажабмаски, ёш спортчиларимиз олимпиадачилар сафидан жой олиб, мамлакатимиз байроғини юксак ҳилпиратса. Унга қадар эса мамлакатимизнинг сув полосу бўйича қизлар терма жамоаси 12—28 ноябрда Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
“Ma'rifat” муҳбири

Суратларда: Осиё чемпионлари навбатдаги сув полосу бўйича ўтадиган мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.



Бурҳон ИБРАҚУЛОВ олаёт суратлар.

<p>Ma'rifat</p> <p>TA'SIS ETUVCHILAR:</p> <p><i>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</i></p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-922. Tiraj 25956. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Baxtiyor YOQUBOV. Navbatchi: Sherali NAMOZOV</p>	<p><i>"Ma'rifat" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.</i></p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Begzod JONTEMIROV.</p> <p><i>"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</i></p> <p>Korxonada manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.20 Yul yakuni — 21.30</p>
--	---	---	--	--